

2
A-51



**Исломнинг
беш устуни**

ИМОН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

А.Аллокулов
Ж.Нажмидинов

ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:

ИМОН



Тошкент ислом университети

нашриёт-матбуа бунёдлари масъули
Тошкент ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ
398226
АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

УЎК: 28

КБК: 86.38

A 51

Аллоқулов, А.

Ислоннинг беш устуни: имон [Матн] / А. Аллоқулов, Ж. Нажмиддинов. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 88 б

КБК: 86.38

Масъул муҳаррир:

Ж.Нажмиддинов – *Исломишунослик
илмий-тадқиқот маркази директори в.б.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 5025-сонли хулосаси асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-4962-0-0

**© Тошкент ислом университети
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.**

КИРИШ

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги мазкур китоб Тошкент ислом университети Исломушунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан тайёрланган бўлиб, юртимиздан етишиб чиққан Имом Мотуридий, Имом Насафий, Имом Паздавий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Ҳаскафий, Алоуддин Косоний каби буюк алломалар асарлари орқали диёримиз мусулмонларининг диний билимларини оширишни мақсад қилган.

Маълумки, бугунги кунда ахборот олиш манбалари жуда кўпайиб кетган. Айниқса, интернет тармоғида дин ҳақида маълумот берувчи минглаб, юз минглаб сайтлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, афсуски, уларнинг барчаси ҳам тўғри ниятда фаолият юритмаслиги борган сари намоён бўлмоқда. Шу сабабли, юртимиз мусулмонларини ҳанафий мазҳаби ва мотуридийлик эътиқоди асосида тўғри маълумотлар билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга маълумки, ислом дини беш устун устига қурилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган ҳадисларда бундай дейилади: *“Ислом беш нарса устига қурилган: “Ла илаҳа иллаллоҳ*

ва Муҳаммадан Расулуллоҳ” калимасини айтиш, намозни адо этиш, рамазон рўзасини тутиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш”. Мазкур ҳадисдан келиб чиққан ҳолда эътиборингизга “Исломнинг беш устуни” рукни остида “Имон”, “Намоз”, “Рўза”, “Закот” ва “Ҳаж” номли китоблар тақдим этилмоқда.

Рисолалар юртимизда кенг тарқалган ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик таълимотининг энг мўътабар асарлари асосида тайёрланган. Шу билан бирга, турли фирқалар ва оқимларнинг даъволарига раддиялар ҳам бериб кетилган.

Рисолалар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

I боб. ИМОН НИМА?

Имоннинг луғавий ва истилоҳий
маънолари

Имон (الإيمان) арабча сўз бўлиб, луғатда “омонлик бериш”, “суяниш”, “бирор кишини хавфдан холи қилиш”, “бирор кишини яхши тушуниб, унинг гапига ишониш”, “тасдиқлаш” каби маъноларни англатади¹. Истилоҳда, Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан қатъий тарзда собит бўлган дин кўрсатмаларига чин дилдан таслим бўлиш имондир.

Имон – аҳли сунна вал жамоанинг аксарият олимлари наздида тил билан иқроқ қилиб, қалб билан тасдиқлашдир.

Абу Мансур Мотуридий (рахматуллоҳи алайҳ): “Имон – фақат қалб билан тасдиқлашдир”, деганлар.

Пайғамбаримиздан қатъий собит бўлган нарсалар деганда диннинг бирламчи қисми – “зарурати диния” назарда тутилади. Киши мўмин бўлиши учун диннинг бирламчи нарсаларига имон келтириши зарурдир. Диннинг асосларидан бирортасини инкор қилган ёки эътироф қилмаган киши ислом динидан чиқади.

Диннинг бирламчи зарурий кўрсатмалари жуда кўп бўлиб, уларга Аллоҳ таолонинг

¹ Лисонул араб. Ж. 13. 27-б.

якка-ю ягоналиги, сифатлари, фаришталар, самовий китоблар, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир, ўлимдан кейин қайта тирилишга ва намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатларнинг фарз эканига, судхўрлик, зино, ёлғончилик каби амалларнинг ҳаромлигига имон келтириш кабилар киради.

Абу Ҳанифа (рахматуллоҳи алайҳ) имонга таъриф бериб, жумладан шундай деганлар: *“Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, китоблари, расуллари, ўлимдан кейин қайта тирилиш, яхши-ю ёмон тақдир Аллоҳ таоло томонидан экани, ҳисоб, тарози, жаннат, дўзах барчаси ҳақлигига имон келтиришдир”*.

Абул Муъин Насафий (рахматуллоҳи алайҳ) эса: *“Аллоҳ таолога, охират кунига, фаришталарга, китобларга, расулларга, ўлимдан кейин тирилишга, тақдирнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига имон келтириш – аҳли сунна вал жамоа наздида имон дейилади”*, деб таъкидлаганлар².

Аллоҳтаоло Мисоққуни инсониятни яратиб, уларга имон ва кўфрни танлаш имконини берди. Бандалардан имонни танлаб, уни қабул қилиб, эътиқод қилганлар – мўмин, бунинг аксини қилганлар кофир бўлди. Имонни тил билан қабул қилиб, қалбда унга ишонмаганлар мунофиқ бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

² Абул Муъин Насафий. Баҳрул калом. Дамашк: Мактабату дорил фарфур, 2000. 69-б.

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ
 أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا
 كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ

“Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: “Мен Раббингиз эмасманми?” (деди). (Улар): “Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик”, – дедилар”. (Аъроф, 172)

Ислом динини қабул қилиб, унга амал қилган ва имон билан кетганлар “саъид”, яъни бахтли, ислом динини қабул қилмай, унга амал қилмай, имонсиз вафот этганлар “шақий”, яъни бадбахт инсонлар дейилади³.

Ҳанафий-мотуридия таълимотига бинноан ҳали ислом дини етиб бормаган, цивилизациядан йироқда яшовчи ақлли, балоғатга етганлар борлиқни яратувчиси Аллоҳ таолони танишлари вожибдир. Лекин, улар фарз амалларни бажариш, ҳаромлардан тийилишга мукаллаф эмаслар. Бунга “Каҳф” сурасидаги “Ғор аҳл”лари ҳикоя қилинган қуйидаги оят далил қилиб келтирилади:

رَبُّنَا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

“Бизнинг Раббимиз осмонлар ва Ернинг Парвардигоридир”. (Каҳф, 14)

³ Абул Муъин Насафий. Баҳрул калом. Дамашк: Мактабату дорил фарфур, 2000. – Б. 81.

Шунингдек, Иброҳим (алайҳис-салом) ҳақида келган қуйидаги оят ҳам бунга ишора қилади:

وَكَذَلِكَ نُرِي إِبْرَاهِيمَ مَلَكُوتَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلِيَكُونَ مِنَ الْمُوقِنِينَ 75 فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ اللَّيْلُ رَأَى كَوْكَبًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَا أُحِبُّ الْإِفْلِينَ 76 فَلَمَّا رَأَى الْقَمَرَ بَازِعًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَئِن لَّمْ يَهْدِنِي رَبِّي لَأَكُونَنَّ مِنَ الْقَوْمِ الضَّالِّينَ 77 فَلَمَّا رَأَى الشَّمْسَ بَازِعَةً قَالَ هَذَا رَبِّي هَذَا أَكْبَرُ فَلَمَّا أَفَلَتْ قَالَ يَا قَوْمِ إِنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ 78 إِنِّي وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ حَنِيفًا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ 79

“Шу тарзда Иброҳимга осмонлар ва Ернинг мулку салтанати (ажойиботлари) ни кўрсатурмиз. Чинакам ишонувчилардан бўлиши учун (шундай қилдик). Тун зулмати уни қоплаганда юлдузни кўриб: “Мана шу – раббим”, – деди. (У) ботиб кетганда эса: “Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман”, – деди. Чиқаётган ойни кўриб: “Мана шу – раббим”, – деди. Ботиб кетганда эса: “Агарда Раббим мени ҳидоят қилмаса, албатта, адашганлар қавмидан бўлиб қолурман”, – деди. Чиқаётган қуёшни кўриб: “Мана шу – раббим. Шу каттароқ-ку!” – деди. Ботиб кетганда эса: “Эй, қавмим, албатта, мен сизлар келтираётган

ширкдан безордирман. Мен тўғри йўлни танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни ихтиро этган Зотга қаратдим. Мен мушриклардан эмасман”, – деди”. (Анъом, 75–79)

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг ҳузурларига моддапарастлардан бир гуруҳи борлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлганми ёки бирор Зот томонидан яратилгани ҳақида баҳс қилишга келишди. Шунда Абу Ҳанифа уларга: “Бу масала борасида гаплашишдан олдин, ай-тингламчи, бир кема кўлда ўзидан-ўзи бир томонга бориб, ўзини-ўзи таом, матолар билан тўлдириб, сўнг иккинчи томонга қайтиб, ўзи лангар ташлаб, ўзини ўзи бўшатиб, яна ортга қайтиб кетиши ва бу ишлар бирор назоратчисиз бўлиши мумкинми?”, дедилар. Шунда улар: “Бундай бўлиши асло мумкин эмас”, дейишди. У уларга: “Арзимаган кема назоратчисиз мазкур ишларни қилиши мумкин эмас экан, қандай қилиб еру осмон ва ундаги нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин”, деган⁴. Зеро, Макка мушрикларидан еру осмон яратувчиси ҳақида: “Қасамки, агар Сиз улардан: “Осмонлар ва Ерни ким яратган”, – деб сўрасангиз”, улар: “...улар, албатта: “Аллоҳ”, – дерлар”. (Зумар, 38-оят) Лекин улар шунга қарамай буту санамларга “Ундан ўзга “дўстлар”ни (“илоҳ”) қилиб олган кимсалар: “Биз фақат уларга бизни Аллоҳга яқин қилишлари

⁴ Мулла Али ал-Қорний. Шарҳу фикҳил акбар. Байрут: Дорул башоир ал-исломия, 1998. 48-б.

учунгина ибодат қилурмиз”, деб ибодат қилишган⁵. Бу уларнинг нақадар жоҳил эканидан дарак беради.

Мўмин-мусулмонликни даъво қилаётган киши, албатта, имон шартларини билиши, уларни тили билан айтиб, дили билан тасдиқ қилиши лозим. Лекин бу шартларни билмай, ҳеч қандай далил-ҳужжатсиз мўминман дейиш қабул бўлса-да, бундай мўминлар билимларини мустаҳкамлаб олиш пайдан бўлишлари зарурдир. Акс ҳолда, то имонга тааллуқли билимга эга бўлмагунларича муттасил гуноҳкор бўладилар⁶.

“Мусулмонмисан?, Мўминмисан?”, деган саволларга “Худо хоҳласа мусулмонман”, “Ин шаа Аллоҳ мўминман”, “Мўминман шекилли”, “Мусулмонман шекилли”, “Мусулмон бўлсам керак”, “Мўмин бўлсам керак” каби гумонни англатадиган сўзлар билан жавоб бериб бўлмайди. Чунки имон фақат аниқликни талаб қилади, яъни “мўминман”, “мусулмонман”, деб қатъий жавоб бериш керак.

Ўлим вақти яқинлашиб, ғарғара келганда имон калималарини айтиб, мўмин бўлиб, онадан янги туғилгандек жаннатга кириб кетаман, деган киши адашади. Чунки ғарғара пайтида айтилган имон кишига асло фойда бермайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

⁵ Мулла Али ал-Қорий. Шарҳу фикҳил акбар. Байрут: Дорул башоир ал-исломия, 1998. 49-б.

⁶ Абул Муъин Насафий. Бахрул калом. Дамашк: Мактабату дорил фарфур, 2000. 84-б.

فَلَمْ يَكُ يَنْفَعُهُمْ إِيمَانُهُمْ لَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا سُنَّةَ اللَّهِ الَّتِي قَدْ خَلَتْ فِي
عِبَادِهِ وَخَسِرَ هُنَالِكَ الْكَافِرُونَ

“**(Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги имонлари уларга фойда берувчи бўлмади. (Бу) Аллоҳнинг (барча) бандалари ҳақида (жорий қилган) йўлидир. Ўшанда кофирлар зиён кўрдилар**”. (Ғофир, 85)

Имоннинг руқни ва шартлари

Абу Ҳанифа (рахматуллоҳи алайҳ) ўзининг “ал-Васия” асарида: *“Имон – тил билан иқрор қилиб, қалб билан тасдиқ этишдир. Иқрорнинг ўзи имон бўлмайди. Агар у имон бўлганида, мунофиқларнинг барчаси мўмин бўлиб қолар эди. Шунингдек, маърифатнинг ўзи, яъни тасдиқнинг ўзи ҳам имон бўлмайди. Агар шундай бўлганида, аҳли китобларнинг барчаси мўмин, деб аталар эди”*, деган⁷.

Аллоҳ таоло мунофиқлар борасида шундай деган: **“Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур”** (Мунофиқун, 1). Муфассирлар оятда қалбан тасдиқ қилмай тиллари билан “мўминмиз” деб айтган иқрорлари ёлғон экани назарда тутилишини таъкидлаганлар.

Аҳли китоблар борасида эса Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

⁷ Мулла Али ал-Қорий. Шарҳу фикҳил акбар. Байрут: Дорул кутубил илмия. 322-б.

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا
مِنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ

“Биз китоб берган ўша (золим) кимсалар уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар ва улардан бир гуруҳи била туриб, (китобларидаги) ҳақиқатни сир тутадилар”. (Бақара, 146)⁸

Аҳли китоблар Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) барча халоиқга Пайғамбар эканига иқроп бўлишмаган. Шу сабабли, Аллоҳни тан олишлари уларга фойда бермайди.

Қалб билан тасдиқ қилиш имоннинг бевосита рукни бўлиб, у ҳеч қачон ҳеч кимдан соқит бўлмайди. Иқроп эса бунинг аксидир. Чунки у имоннинг бир бўлагидир. Шунинг учун, мажбурланганда ва узрли ўринларда тил билан иқроп қилиш соқит бўлади. Аслида, тил қалбнинг таржимони ва тасдиқнинг қалбда бор-йўқлигига далил бўлади. Ҳеч қандай узр ва тазйиқсиз тили билан бошқа нарсани тасдиқ қилган киши кофир бўлади. Бунга жоҳилият замонасидаги Хубал номли бутнинг илоҳ эканига тили билан, ҳеч қандай тазйиқсиз иқроп қилган киши диндан чиқиб қолиши мисол бўлади. Лекин жонига қасд қилиш, бирор аъзосига талофат етказиш билан таҳдид қилинганда, чорасизликдан тили билан бошқа

⁸ Мулла Али ал-Қорий. Шарҳу фикҳил акбар. – Байрут: “Дор ал-башоир ал-исломия”, 1998. – Б. 253.

нарсага иқрор бўлиш куфр эмас. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти далил бўлади:

مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أَكْرَهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ
وَلَكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْنَاهُمْ غَضَبٌ مِنَ اللَّهِ وَلَهُمْ
عَذَابٌ عَظِيمٌ

“Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (ҳолига вой!) Лекин кимнинг қалби имон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у мустаснодир. Аммо кимки кўнгилни куфрга очса, бас, у (каби) ларга Аллоҳ (томони)дан ғазаб ва улкан азоб бордир!”. (Наҳл, 106)

Имом Сарахсий (раҳматуллоҳи алайх) тил билан иқрор қилишни имоннинг руқни деган. “Умда” китобининг соҳиби Абул Баракот Насафий уни шаръий ҳукмлар жорий бўлиши учун шарт деб белгилаган. Абу Мансур Мотуридий ҳам айни шу фикрда бўлган. Бу фикрни қуйидаги оятлар ҳам қўллаб-қувватлайди:

...أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ...

“...Айнан ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйгандир...”. (Мужодала, 22)

قَالَتِ الْأَعْرَابُ آمَنَّا قُلْ لَمْ تُؤْمِنُوا وَلَكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ
الْإِيمَانُ فِي قُلُوبِكُمْ

“Аъробийлар: “Имон келтирдик”, – дедилар. (Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: “Сизлар имон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар “Исломга кирдик” денглар! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир...”. (Ҳужурот, 14)

Мотуридия таълимотига биноан имон калималарини тил билан айтиб, қалбан тасдиқлаш фарздир. Бу ҳақда Имом Паздавий (раҳматуллоҳи алайҳ) шундай деганлар: “Ким қалбан имон келтириб, тили билан имон калималарини айтишни узурсиз тарк қилса, мўмин бўлмайди”.

“Имон” калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқ қилиш орқали барча Аллоҳ таолонинг дўстига айланади. Лекин, қилган тоат-ибодатларига, тақволарига қараб Аллоҳ таоло билан дўстлиги зиёдалашиб боради. Аксинча, ман қилинган, ҳаром-ҳариш ишлардан тийилмаган банданинг Аллоҳ таоло билан алоқаси сустрлашиб боради.

Аслида, имон қалб тасдиғидир. Яъни, қалбда тасдиқ қилиш кишининг мўмин бўлиши учун етарлидир. Тил билан иқрор қилиш эса бандага нисбатан исломий ҳукмларнинг (никоҳланиш, жанозасини ўқиш) жорий

⁹ Мулла Али ал-Қорий. Шарҳу фикҳил акбар. Байрут: Дорул кутубил илмия. 322-б.

бўлиши учун керак. Яъни, бошқалар унинг му-
сулмон эканини тилида иқрор бўлиши орқали-
гина билиб оладилар.

Банда қалб билан тасдиқ қилса-ю, бироқ
тили билан бунга иқрор бўлмаса, у Аллоҳ
таоло наздида мўмин бўлаверади. Лекин,
мусулмонлар жамоаси уни мусулмон деб қабул
қилишлари учун лоақал бир маротаба бўлса
ҳам тили билан буни эътироф этиши шартдир.

...أَوْلَانِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ...

“...Ана ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ)
имонни битиб қўйгандир...”. (Мужодала, 22)

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا مُقَلَّبَ الْقُلُوبِ ثَبَّتْ قُلُوبَنَا
عَلَى دِينِكَ.

*Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)
айтдилар: “Эй, қалбларни ўзгартирувчи
Зот! Бизнинг қалбларимизни динингда собит
қилгин”. (Термизий ривояти)*

يجب اي يفرض فرضا عينيا بعد ما يحصل علما يقينا ان
يقول اي المكلف بلسانه المطابق لما في جنانه آمنت بالله وفيه
اشعار بان الاقرار له اعتبار على خلاف في انه شرط للايمان
الا انه يسقط في بعض الاحيان او شرط لإجراء احكام الايمان
كما هو مقرر عند الاعيان

“Ишончли, пухта илмга эга бўлгандан кейин мукаллаф (ақли, балоғатга етган) инсон қалбидаги нарсага мувофиқ келувчи тил ила Аллоҳга (ва фалон, фалон нарсаларга) имон келтирдим, деб айтмоқлиги вожиб, яъни фарзи айн бўлади. Тил билан иқрор қилиш имоннинг бир қисми эканида хилоф бўлишига қарамай бу иборада у эътиборли эканига ишора бор. Лекин у баъзи ҳолатларда (мисол учун соқовга) соқит бўлади. Шунингдек, у имон ҳукмлари жорий бўлиши учун шарт экани борасида ҳам ихтилоф бор. У имоннинг шarti эканига забардаст олимлар иқрор бўлишган”. (Шарҳу фикҳил акбар)

Аллоҳ таоло Куръони каримда нималарга имон келтириш борасида шундай деган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَيَّ
رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أَنْزَلَ مِنْ قَبْلُ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ
وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) Пайғамбарига нозил қилган Китоб (Куръон)га ҳамда илгари нозил қилган Китобга имон келтирингизлар! Кимки Аллоҳни, фаришталарини, китобларини, пайғамбарларини ва охирги Кунни инкор этса, демак, у жуда узок (қаттиқ) адашибди”. (Нисо, 136)

Бошқа ояти каримада бундай дейилган:

أَمَّنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ
وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا
سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

“Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди. “Эшитдик ва итоат этдик”. (Бақара, 285)

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда Расулulloҳнинг ўзлари “имон”га шундай таъриф берганлар: “Менга имон ҳақида хабар бер”, деди. У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охираат кунига имон келтирмоғинг, яхши-ю ёмон қадарга имон келтирмоғинг”, дедилар”.

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA
TOSHKENT AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

398226

AXBOROT-RESURS MARKAZI

Амаллар имоннинг таркибий қисмига кирадими?

Ҳанафий-мотуридий таълимотида амал имоннинг таркибий қисмига кирмайди. Шунинг учун қуйидаги ояти каримада имон келтирган бандалар ҳали намоз ўқишларидан олдин “мўмин” деб номланмоқда:

قُلْ لِعِبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا يُقِيمُوا الصَّلَاةَ

“(Эй, Муҳаммад), имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар”. (Иброҳим, 31)

Бошқа оятда шундай дейилган:

...يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ

“Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш) га турар экансиз”. (Моида, 6)

Солиҳ амаллар – намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқалар имоннинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Яъни, киши фарзларни бажармаслигининг ўзи билан диндан чиқиб қолмайди. Яхши амаллар имоннинг жилваси бўлиб, улар орқали у зийнатланади ва равақ топади. Натижада, банданинг имони комил бўлади.

الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ طُوبَى لَهُمْ وَحَسُنَ مَا أَجَبَ

“Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат – жаннат бордир”. (Раъд, 29)

إطاعة الشارع في الفرائض والسنن والآداب والاخلاق... وهو الايمان الكامل الذي يسمى صاحبه متخلقا بأخلاق النبي صلى الله عليه وسلم المذكور في كثير الأحاديث

“Шорёъ (Аллоҳ таоло ва Унинг Расули)га фарз, суннат, одоб-ахлоқда итоат қилиш комил имон бўлиб, унинг соҳиби “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг кўплаб ҳадисларда зикр этилган ахлоқлари билан хулқланган”, деган номга сазовор бўлади”. (Маром ал-калом фи ақоид ал-ислам. 52-б.)

ان الاعمال غير داخله في حقيقة الايمان لما ثبت انه اسم للتصديق

“Амаллар имоннинг негизига кирмайди, чунки имон тасдиқ қилишнинг номидир”. (Шарҳ ал-мақосид. Ж. 3. 432-б.)

Барча мусулмонлар имонда тенгдирлар. Чунки имон тасдиқлашдан иборат бўлиб, у барчада бир хил бўлади. Лекин қилган амалларига қараб мартабалари фарқланади.

قال الامام الأعظم رحمه الله في كتابه الوصية: ثم العمل غير الايمان والايمان غير العمل بدليل ان كثيرا من الاوقات

يرتفع الأعمال من المؤمن ولا يجوز ان يقول يرتفع عنه
الايمان فان الحائض ترتفع عنها الصلاة ولا يجوز ان يقول
يرتفع عنها الايمان او امر لها بترك الايمان

*Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) “Васи-
ят” номли китобларида айтадилар: “Шунинг-
дек, амал имондан алоҳида, имон ҳам амалдан
алоҳидадир. Бунинг далили шуки, кўпинча
мўминдан амаллар вақтинчалик соқит бўлиб
туради, лекин ундан имон соқит бўлади дейиш
жоиз бўлмайди. (Масалан) ҳайзли аёлдан намоз
соқит бўлади. Лекин ундан имон соқит бўлди
ёки унга имонни тарк қилиш буюрилган дейиш
мумкин эмас”. (Мулла Али ал-Қорий. Шарҳу
фикҳил акбар. 89-б.)*

Мотуридийлик эътиқодига кўра амаллар
имоннинг бир бўлаги, ёки рукни эмасдир. Шу
сабабли ҳар қандай фарзни (инкор этмаган
ҳолда) тарк этган киши диндан чиққан – кофир
бўлиб қолмайди. Бунинг далилларида бири:

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ: «أَنَّ رَجُلًا عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ اسْمُهُ عَبْدَ اللَّهِ، وَكَانَ يُلقَّبُ جَمَارًا، وَكَانَ
يُضْحِكُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ جَلَدَهُ فِي الشَّرَابِ، فَأَتَى بِهِ يَوْمًا، فَأَمَرَ بِهِ فَجُلِدَ،
فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: اللَّهُمَّ الْعَنَّهُ، مَا أَكْثَرَ مَا يُؤْتَى بِهِ؟ فَقَالَ
النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَلْعَنُوهُ، فَوَاللَّهِ مَا عَلِمْتُ إِنَّهُ يُحِبُّ
اللَّهَ وَرَسُولَهُ

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) даврларида Абдуллоҳ исмли киши бўлиб, унинг лақаби “ҳаммор” эди. У Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни кулдирар эди. У Зот уни ичгани учун дарра урдирган эдилар. Бир куни у яна шу ишни қилди ва унга дарра уришни амр қилдилар. Қавмдан бир киши: “Аллоҳим, уни лаънатлагин, қандоқ ҳам кўп ичади у”, деди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Уни лаънатламанглар, Аллоҳга қасамки у Аллоҳ ва унинг Расулини яхши кўради”, дедилар”.* (Бухорий ривояти)¹⁰

Моликий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳабларида солиҳ амаллар имоннинг таркибий қисми экани эътироф этилса-да, бироқ уларни тарк этиш имондан чиқишга эмас, балки имоннинг камолоти йўқолишига олиб келиши таъкидланади.

Таҳқиқий ва тақлидий имон

Имоннинг таҳқиқий ва тақлидий каби икки даражаси мавжуддир. *Таҳқиқий деб*, имон келтириладиган нарсаларни санаб, уларга далил келтира оладиган кишининг имонига айтилади.

¹⁰ صحيح البخاري. كتاب الحدود. باب ما يكره من لعن شارب الخمر وإنه ليس بخارج من الملة

Тақлидий деганда эса, имон келтирила-
диган нарсаларни айтиб, бироқ уларга далил
келтира олмайдиган кишиларнинг имони
назарда тутилади. Имоннинг зикр этилган
иккала тури ҳам саҳиҳ ҳисобланади. Бироқ,
тақлидий имон соҳиби ўзи эътиқод қилган
нарсаларнинг далилларини ўрганиб олиши
ва таҳқиқий имон мартабасига кўтарилиши
зарурий ҳисобланади. Қуйида аҳли сунна
олимларининг бу ҳақида айтган фикрларини
келтириб ўтамиз:

وهو الذي آمن بلا دليل... فقال امامنا أبو حنيفة وسفيان
الثوري ومالك والأوزاعي وأبو البركات النسفي والجمهور
صحيح ولكنه عاص بترك الاستدلال

“У далил-исботларсиз имон келтирган
кишидир... Имомларимиз Абу Ҳанифа, Суфён
Саврий, Молик, Авзоъий, Абул Баракот Насафий
ва жумҳур уламолар (раҳматуллоҳи алайҳим)
(бундай имон) тўғри экани, бироқ далиллар-
ни билиб олмагани учун гуноҳкор бўлишини
айтиб ўтганлар”. (Маром ал-калом. 55-б.)

ذهب كثير من العلماء وجميع الفقهاء الى صحة ايمان المقلد
وترتب الاحكام عليه في الدنيا والآخرة

“Уламоларнинг кўпчилиги ва фақиҳларнинг
барчаси муқаллид (тақлидий имон соҳиби)нинг

имони саҳиҳ экани ва унга будунёда ҳам охиратда ҳам мусулмон ҳукмлари жорий бўлишини айтиб ўтганлар”. (Шарҳ ал-мақосид. Ж. 3. 452-б.)

قال أبو حنيفة رحمه الله وسفيان الثوري ومالك والاوزاعي والشافعي وأحمد وعامة الفقهاء واهل الحديث رحمهم الله تعالى صح ايمانه ولكنه عاص بترك الاستدلال بل نقل بعضهم الاجماع على ذلك.

“Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ), Суфён Саврий, Молик, Авзобий, Шофибий, Аҳмад ҳамда фақиҳ ва муҳаддис (раҳимаҳумуллоҳ) ларнинг барчаси “Унинг имони саҳиҳдир, бироқ далилларни билиб олмагани сабабли гуноҳкор бўлади”, деганлар. Баъзилар бу ҳақида ижмоъ қилинганини нақл қиладилар”. (Шарҳ фикҳ акбар. 143-б)

Имон келтириш зарурий бўлган нарсаларнинг баъзисини тасдиқлаб қолганига шак қилиш куфр ҳисобланади.

Мусулмон одам Аллоҳ таолонинг борлигига ақлий далилларни билиб олса ҳам яхши бўлади. Бунга, юқорида Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг Аллоҳ таолонинг якка-ю, ягоналиги ҳақида мунозара қилмоқчи бўлган бир гуруҳ одамга дарёда қатнайдиған кема ҳақида айтиб берган далиллари мисол бўлади.

Имон ва ислом ўртасидаги фарқ

Имон сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари ҳақида рисоламизнинг аввалида тўхталиб ўтган эдик. “Ислом” атамаси эса луғатда “таслим бўлиш”, “боғланиш”, “саломат бўлиш” каби маъноларни ифодалайди. Истилоҳда эса, бу Аллоҳ таолога итоат қилиш ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дин номидан олиб келган нарсаларни эътироф этишдир. Қуръони каримнинг бир қанча оятлари ва ҳадисларда имон ва ислом калималари бир хил маъноларда ишлатилади:

وَقَالَ مُوسَىٰ يَا قَوْمِ إِن كُنتُمْ آمَنتُمْ بِاللَّهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوا إِن كُنتُمْ
مُسْلِمِينَ

Мусо деди: “Эй, қавмим! Аллоҳга имон келтирган экансиз, бас, Унга таваккул ҳам қилингиз, агар мусулмон бўлсангиз, албатта”. (Юнус, 84)

وَمَا أَنْتَ بِهَادِي الْعُمَىٰ عَنْ ضَلَالَتِهِمْ إِن تُسْمِعُ إِلَّا مَنْ يُؤْمِنُ
بآيَاتِنَا فَهُمْ مُسْلِمُونَ

Яна Сиз “кўрлар”ни ҳам залолатларидан (чиқариб, ҳақ йўлга) ҳидоят қила олувчи эмассиз. Сиз фақат оятларимизга имон келтирадиганларгагина уқтира олурсиз. Бас, улар мусулмондирлар. (Намл, 81)

Юқоридаги оятлардан эътиқодий, зоҳирий амалларни имон ҳам ислом ҳам дейиш жоизлиги маълум бўлади.

Бизнинг эътиқодимизга биноан имон ва ислом диний маънода синоним бўлиб, бир маънони англатади. Бу худди араб тилида “ўтириш” маъносини англатадиган “жулус” ва “қуъуд” сўзларига ўхшайди. Шу сабабли ҳам, ҳар бир мўмин – мусулмон, ҳар бир мусулмон – мўминдир. Исломсиз имон ва имонсиз ислом бўлмайди. Зеро, бир кишининг имоннинг барча шартларини бажаргани тақдирида ҳам мусулмон деб аталмаслиги ақлга тўғри келмас ишдир.

Мусулмон бирор гуноҳи кабирага қўл уриши билан диндан чиқиб қолмайди. Лекин бутга сажда қилиш, Қуръони каримни нажосатга улоқтириш ёки оёқ-ости қилиш, хоч тақиш каби динни инкор қилишга ёки уни хорлашга далолат қилувчи амаллар кишини диндан чиқаради.

Имон ва куфрнинг эътибори хотимага қараб бўлади. Умр бўйи мусулмон бўлган киши вафоти вақтида куфр сўзларни айтса, кофир ҳолатда вафот этган бўлади. Уни акси ўлароқ бир киши куфр ҳолатда ҳаёт кечириб вафотидан олдин исломни қабул қилса, уни мусулмон дейилади. Бунинг исботини қуйидаги ҳадисдан кўриш мумкин:

عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَهُوَ الصَّادِقُ الْمَضْدُوقُ: «إِنَّ أَحَدَكُمْ يُجْمَعُ خَلْقُهُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا نُطْفَةً، ثُمَّ يَكُونُ عَاقَةً مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ يَكُونُ مُضْغَةً مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ يُرْسَلُ إِلَيْهِ الْمَلَكُ، فَيَنْفُخُ فِيهِ الرُّوحَ، وَيُؤَمَّرُ بِأَرْبَعِ كَلِمَاتٍ: يَكْتُبُ رِزْقَهُ، وَأَجَلِهِ، وَعَمَلِهِ، وَشَقِيٍّ أَوْ سَعِيدٍ، فَوَاللَّهِ الَّذِي لَا إِلَهَ غَيْرُهُ إِنَّ أَحَدَكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ فَيَدْخُلُهَا. وَإِنَّ أَحَدَكُمْ لَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ النَّارِ حَتَّى مَا يَكُونُ بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا إِلَّا ذِرَاعٌ فَيَسْبِقُ عَلَيْهِ الْكِتَابُ فَيَعْمَلُ بِعَمَلِ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَيَدْخُلُهَا» (رواه البخاري ومسلم).

Абу Абдуррахмон Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: *Барча (ишлари ва сўзлари) рост ва тасдиқланган бўлган зот – Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қуйидаги ҳадисни айтганлар: “Сизлардан бир кишининг яратилиши онасининг қорнида қирқ кун томчи сув (“нутфа”) ҳолида, сўнг худди шунча муддат ичида лахта қон (“алақа”) ҳолида, сўнг яна шунча вақт ичида бир парча гўшт (“мудға”) ҳолида бўлади. Кейин унга бир фаришта юборилади ва ўша фаришта унга жон пуфлайди. Сўнг фариштага шу инсоннинг тақдирига тааллуқли бўлган*

тўрт нарсани – ризқи, ажали, амали ҳамда бахтсиз ёки бахтли эканини ёзиш фармон қилинади. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасамки, сизлардан бирингиз жаннат аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина масофа қолади. Шунда унинг китобидаги ёзув вақти етиб, у дўзах аҳлининг амалини қилиб қўяди-да, дўзахга кириб кетади. Сизларнинг яна бировингиз дўзах аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир газгина масофа қолади. Шунда унинг китобидаги ёзув ғолиб келиб, у инсон жаннат аҳли амалини қилади-да, жаннатга кириб кетади”. (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Амалларнинг қабул бўлиш шартлари

Аллоҳ таоло ҳузурида бандаларнинг амаллари мақбул бўлиши учун учта нарса шартдир:

1. Имон;
2. Ихлос;
3. Суннатга мувофиқ бўлиши.

Кофир ва мушрикда имон топилмаганлиги учун уларнинг барча қилган яхшиликлари Аллоҳ таоло ҳузурида мақбул бўлмайди. Риёкорларнинг амаллари уларда имон топилиб, ихлос топилмагани учун мақбул бўлмайди. Бидъатчиларда имон, ихлос топил-

са-да, амаллари суннатга хилоф бўлгани учун уларнинг ҳам амаллари мақбул бўлмайди.

Аллоҳ таолога мўмин томонидан қилинган ҳар бир яхши амални қабул қилиб, ёмон амалларни кечириши шарт эмас. Мўмин яхши амални қабул бўлиш шартлари билан адо қилса, уни ҳабата қилиб қўймаса ва имон билан вафот этса Аллоҳ таоло ўз фазли карами билан бундай амални қабул қилади. Лекин, қабул қилиш Аллоҳ таолонинг зиммасига вожиб эмас.

Ёмон амални қилгандан кейин шартларга амал қилган ҳолда тавба қилса, Аллоҳ таоло ўз фазли карами билан тавбаларни қабул қилади. Лекин, тавбаларни қабул қилиш Аллоҳ таоло зиммасига зарур ёки вожиб эмас.

II боб. ИМОН КАЛИМАЛАРИ

Олти диний калима

“Олти диний калима” деб Куръони карим ва ҳадиси шарифлардан келиб чиққан ҳамда кишининг мусулмончилиги, Аллоҳга итоати, тавба қилганини изҳор этишга ёрдам берувчи махсус лафзлар тушунилади.

“Калима” араб тилидан “сўз” деб таржима қилинади. Истилоҳда эса муайян мақсадларга йўналтирилган сўзлар мажмуаси назарда тутилади. Мўмин одам уларнинг арабий матни-ни ёдлаб олиши, маъноларини англаб етиши ва тез-тез такрорлаб юриши фазилатли амал ҳисобланади. Мазкур калималарнинг матни ва мазмуни билан қуйида танишамиз.

1. Калимаи тоййиба:

لا إله إلا الله محمد رسول الله

Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур росуллоҳ.

Мазмуни: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳнинг расулидир!

2. Калимаи шаҳодат:

أشهد أن لا إله إلا الله وأشهد أن محمداً عبده ورسوله

Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуху ва росулух.

ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Мазмуни: Аллоҳдан ўзга илоҳнинг йўқлиги ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳнинг бандаси ва расули эканига шаҳодат келтираман.

3. *Калимаи тавҳид:*

لا إله إلا الله وحده لا شريك له، له الملك وله الحمد يحيي ويميت وهو حي لا يموت بيده الخير وهو على كل شيء قدير

Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулк ва лаҳул ҳамд(у) йуҳйи ва йумиту ва ҳува ҳаййул ла йамуту, бийадиҳил хойру ва ҳува ʔала кулли шайъин қодир.

Мазмуни: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! У битта ва шериги йўқдир. (Барча) Мулк Уники ва (Барча) Мақтов Унгадир. (Аллоҳ) тирилтиради ва ўлдиради. У Зот тирикдир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёридадир ва У ҳамма нарсага қодирдир!

4. *Калимаи радди куфр:*

اللهم إني أعوذ بك من أن أشرك بك شيئا وأنا أعلم به وأستغفرك لما لا أعلم به، تبت عنه وتبرأت من الكفر والشرك والكذب والمعاصي كلها أسلمت وأمنت وأقول لا إله إلا الله محمد رسول الله

Аллоҳумма иннии аъзузу бика мин ан ушрика бика шайъан ва ана аъламу биҳи.

Ва астағфирука лима ла аъламу биҳи. Тубту анху ва табарроъту минал куфри ваш ширки вал кизби вал маъасий куллиҳа. Асламту ва аманту ва ақул лаа илаҳа иллаллоҳа Муҳаммадур расулуллоҳ.

Мазмуни: Аллоҳим, Сендан ўзим билганим ҳолда Сенга бирор нарсани шерик қилишимдан асрашингни сўрайман. Сенга ўзим билмаганим ҳолда (ширк қилиб қўйган бўлсам) истиғфор айтаман. Ундан тавба қилдим ва куфр, ширк, ёлғон ва гуноҳларнинг барчасидан воз кечдим. Мўмин-мусулмон бўлдим ва айтаман-ки: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳнинг расулидир!”.

5. Калимаи истиғфор:

استغفر الله ربي من كل ذنب اذنبته عمداً أو خطأ سراً أو علانية وأتوب إليه من الذنب الذي أعلم ومن الذنب الذي لا أعلم إنك أنت علام الغيوب وستار العيوب وغفار الذنوب ولا حول ولا قوة إلا بالله العلي العظيم

Астағфируллоҳа Рабби мин кулли замбин азнабтуҳу ʔамдан ав хотоан, сиррон ав ʔаланийаҳ. Ва атуубу илайҳи миназ замбил-лазии аъламу ва миназ-замбил-лазии ла аъламу. Иннака анта ʔаллаамул ғуйууб ва Саттаарул-ʔуйууб ва Ғоффааруз-зунууб. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳил-ʔАлийийил-ʔАзиим.

ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

Мазмуни: Раббим Аллоҳга хоҳ хато, хоҳ атайин, ошкора-ю махфий қилган барча гуноҳларимга истиғфор айтаман. Ўзим билган ва билмаган гуноҳларим учун Унга тавба қиламан. (Аллоҳим,) Ўзинг ғайбларни билувчи, айбларни беркитувчи ва гуноҳларни кечирувчисан. Мутлақ куч ва қувват қудратли ва буюк Аллоҳдан ўзгада йўқдир.

6. *Калимаи тамжид:*

سبحان الله والحمد لله ولا إله إلا الله والله أكبر ولا حول ولا
قوة إلا بالله العلي العظيم

Субҳаналлоҳ вал ҳамду лиллаҳ ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ЎАлиййил ЎАзим.

Мазмуни: Аллоҳнинг айбу нуқсони йўқдир. Ва мақтов Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир! Аллоҳ улуғдир. Мутлақ куч ва қувват қудратли ва буюк Аллоҳдан ўзгада йўқдир.

“Мужмал” ва “муфассал” имон

Имон ифодаланиш жиҳатига кўра “мужмал” ёки “ижмоли” (қисқа) ҳамда “муфассал” (батафсил) имон каби икки турга бўлинади.

Имони мужмалнинг лафзи қуйидагичадир:

أَمَنْتُ بِاللَّهِ كَمَا هُوَ بِأَسْمَائِهِ وَصِفَاتِهِ وَقَبِلْتُ جَمِيعَ أَحْكَامِهِ

Аманту биллаҳи кама ҳува би асмаъихи ва сифатиҳи ва қобилту жамиъа аҳкамиҳи ва арканиҳи.

Мазмуни: Аллоҳни исми ва сифатлари билан танидим ва барча буюрган ҳукмларини қабул қилдим.

Имони муфассалнинг лафзи эса қуйидагичадир:

أَمَنْتُ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَالْقَدْرِ
خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، وَالْبَعْثِ بَعْدَ الْمَوْتِ

Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал йавмил ахири вал қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъала вал баъси баъдал мавт.

Мазмуни: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ва ўлимдан кейин қайта тирилишга ишондим.

Қуйида муфассал имон таркибига кирувчи рукнлар билан бирма-бир танишиб ўтамыз:

Аллоҳга имон: Аллоҳ сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “якка-ю ягона илоҳ”, “худо” деган маънони англатади. Мусулмон киши Аллоҳнинг борлиги ва у барча нарсаларнинг мутлақ яратувчиси эканига шак-шубҳасиз имон келтириши фарздир. Акс ҳолда, у имонлилар сафидан чиқиб қолади.

Ҳар бир мўмин Аллоҳ ҳақида ишониши керак бўлган масалалар қуйидагилардир:

– Аллоҳ таоло Ўз-ўзидан мавжуд бўлиб, Унинг мавжудлиги бирортага муҳтож эмас;

– Аллоҳ таоло “вожиб ал-вужуд” зотдир, яъни Унинг мавжуд бўлиши зарурий, мавжуд бўлмаслиги имконсиздир. Ундан ўзга бирор нарсага “вожиб ал-вужуд” деб бўлмайди;

– Аллоҳ таолонинг исмлари икки қисм – зотий ва сифатийга бўлинади. Унинг зотий номи Аллоҳдир. Ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолонинг сифатий номлари 99 та деб айтилган. Булардан ташқари ҳам Аллоҳ таолонинг беҳисоб номлари бўлиб, баъзилари Қуръонда, баъзилари эса ҳадиси шарифларда зикр қилинган;

– Барча нарса Унинг қудрати остига киради. Аллоҳ таолода ожизликдан ном-нишона йўқдир;

– Аллоҳ таоло нимани ирода ва ихтиёр қилса, у нарса бўлади. Хоҳлаган нарсасини бор қилиб, истаганини йўқ қилади. Аллоҳ азалда нимани ихтиёр қилган бўлса, ўша нарса бўлади. Бирор нарса унинг ирода ва ихтиёридан ташқарида бўлмайди;

– Аллоҳ таоло барча махлуқотларни эшитиб туради. Бирини эшитиш бошқасини эшитишдан тўса олмайди. Бирор бир инсон, фаришта, жин, парранда ва дарранда қолмай барчасини эшитиб туради. Уларнинг тилларининг турлилиги Аллоҳ таолога фарқ қилмайди. Шунчалик эшитиш соҳиби бўлган зот махлуқотларда бўладиган қулоқдан покдир;

– Ёруғликда бўлсин, қоронғуликда бўлсин, узоқ ёки яқинда бўлсин, катта, кичик бўлсин барча нарсаларни Аллоҳ таоло бир хилда кўриб туради. Бирор нарса Унинг назаридан четда қолмайди. Шу билан бирга У зот махлуқотлардаги кўздан покдир;

– Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани пайдо қилиб, вужудга келтиради;

– Аллоҳ таоло Арш устига “истиво” қилгандир. Лекин, Аллоҳ таолонинг Аршга эҳтиёжи ва зарурати йўқдир. Унинг қандай “истиво” қилгани бизга маълум эмас. Аллоҳ таоло Арш ва Аршдан бошқа бутун оламларни тутиб турувчи зотдир;

– Аллоҳ таоло Ўзининг илми, эшитиши ва кўриши эътибори билан Ўз махлуқ ва бандалари билан биргадир. Бундай биргалик умумий биргалик, деб номланади. Шунингдек, Унинг мўминларга хос бўлган биргалиги ҳам бордир. У биргалик бандаларга нусрат бериш, қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳифзу ҳимоясига олиш маъносидадир. Аллоҳ таолонинг биргалиги махлуқотларнинг бирга ва яқин бўлиши каби эмасдир;

– Аллоҳ таоло махлуқотларнинг ризқини зиммасига олгандир. Ҳар шахс ўз ризқини ўзи касб қилади. Ризқ ҳалол бўлгани каби, ҳароми ҳам бўлади. Банда сабаблар орқали ҳалол ёки ҳаром ризқнинг йўлини ихтиёр қилади;

– Яхшилар Аллоҳ таолога яқин, ёмонлар Аллоҳ таолодан узоқ бўладилар;

– Ким Аллоҳ таолонинг борлигини инкор этса ёки шубҳа қилса, уни кофир дейилади ва у абадий жаҳаннамда бўлади. Аллоҳ таоло барча айбу нуқсонлардан, муҳтожлик ва махлуқотларга хос бўлган хислатлардан пок зотдир;

– Барча нарса ва уларнинг хусусияти ва таъсирларини ҳам яратувчиси Аллоҳ таолодир. Бирор нарса ўзича фойда ёки нуқсон етказа олишга қодир эмас. Шунингдек, улар таъсир қилиш кучига ҳам эга эмас. Балки, Аллоҳ таологина ҳар бир нарсада ҳақиқий таъсир қилувчи Зотдир, ҳар бир фойда ва нуқсон Унинг қўлидадир;

– Махлуқотларнинг ҳаёт ва мамоти, соғлиги, беморлиги, яхши-ёмонлиги барчаси Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Қачон хоҳласа бирор махлуқни пайдо қилади. Қачон хоҳласа вафот топтиради, қачонгача хоҳласа коинотни боқий қолдириб, қачон хоҳласа уни йўқ қилиб қиёматни қоим қилади;

– Аллоҳ таоло макон ва замондан покдир. У осмонда ҳам, ерда ҳам эмас;

– Аллоҳ таолонинг дунё осмонига тушиши, қиёмат куни маҳшар майдонига тушиши “било кайф (кайфиятсиз)” бўлади.

Фаришталарга имон: Фаришталар Аллоҳ таолонинг нурдан яратилган махлуқи бўлиб, улар жинс, насл қолдириш, ҳавойи нафс каби хусусиятларга эга эмаслар. Фаришталар турли суратларга кира оладилар. Аллоҳ таоло уларни

турли вазифаларга тақсимлаб қўйган. Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз бирор кишига фойда ёки зиён келтириш қобилиятига эга эмаслар.

Баъзи фаришталар инсонларнинг амалларини ёзиб туради (кироман котибин), баъзилари ҳимоя қилади (ҳафаза), бир гуруҳи жаннат ва дўзах эшиклари олдида турса (хазана), бошқалари гуноҳкорларни азоблайдилар (забоний). Шунингдек, Мункар ва Накир каби қабр савол-жавобини ўтказувчилар, нозиётлар каби гуноҳкорларнинг жонини суғуриб олувчилар ва ношитотлар каби солиҳ бандаларнинг жонини енгиллик билан олувчи фаришта гуруҳлари мавжуд.

Фаришталарга имон келтириш зарурдир, чунки Қуръон, ҳадис ва барча самовий китобларда фаришталар оламининг мавжудлиги зикр қилинган. Уларни инкор қилиш кишини диндан чиқаради.

Фаришталар ҳам даражасига кўра фарқланади. Жумладан, тўрт фаришта – Жаброил (ваҳий олиб келувчи), Микоил (Аллоҳ таоло ҳукми билан ризқ тарқатувчи), Исрофил (Қиёмат куни сур чалувчи), Азроил (жон олувчи)лар муқарраб (Аллоҳга яқин) фаришталар ҳисобланади.

Исро ва меърож воқеаси ҳақидаги узун ҳадисда фаришталарнинг адади жуда кўплиги ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон берадиган қуйидаги жумлаларни кўриш мумкин:

“...Кейин менга Байтул маъмур намоён қилинди. Унга ҳар куни етмиш минг фаришта кирар экан...”. (Бухорий ва Муслим ривояти)

Бадий адабиёт, тасвирий санъатда фаришталарни аёл образида тасаввур қилиш одати кенг тарқаган. Аслини олганда, аҳли сунна эътиқодига кўра, фаришталар жинсиздирлар. Агарчи улар инсон суратига кирсалар ҳам фақат эркак киши қиёфасида намоён бўлишади. Бунга Қуръони каримдан қуйидаги оятни далил қилиб келтириш мумкин:

فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا

“Улардан пардага беркиниб олган пайтида, Биз унга руҳимиз, яъни Жаброилни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди”. (Марям, 17)

Оятда фариштага нисбатан араб тилида эркак жинсини англатувчи “بشر” (чин одам) сўзи ишлатилмоқда.

Бошқа оятда эса фаришталарнинг аёл жинсида эмаслиги аниқ айтилмоқда:

فَاسْتَفْتِهِمُ الرِّبَّكَ الْبَنَاتُ وَلَهُمُ الْبَنُونَ (149)

أَمْ خَلَقْنَا الْمَلَائِكَةَ إِنَاثًا وَهُمْ شَاهِدُونَ (150)

“Энди, (эй, Муҳаммад! Макка кофирларидан) сўранг-чи, қизлар (фаришталар) Парвардигорингизники-ю, ўғиллар уларникими?! Ёки Биз фаришталарни уларнинг гувоҳликларида қиз қилиб яратибмизми?!”. (Софот, 149–150)

Илоҳий китобларга имон: Аллоҳ таоло инсонларни тўғри йўлга йўллаш учун пайғамбарларига ўз китобларини нозил қилган. Бандалар мазкур китоблар орқали ўз ақидаларини тўғрилаб, Аллоҳ таолога маҳбуб бўлган йўлдан юришлари даркор. Қатъий далиллар билан собит бўлган китоблар ва саҳифаларга имон келтириш зарурийдир. Уларни инкор қилиш инсонни ислом миллатидан чиқаради.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га, Тавротни Мусо (алайҳис-салом)га, Забурни Довуд (алайҳис-салом)га ва Инжилни Исо (алайҳис-салом)га нозил қилди. Юборилган китоб ва саҳифаларнинг жами адади 104 тани ташкил қилади. Саҳифалардан ўнтаси Одам (алайҳис-салом)га, элликтаси Шис (алайҳис-салом)га, ўттизтаси Идрис (алайҳис-салом)га ва ўнтаси Иброҳим (алайҳис-салом)га нозил қилинган.

Осмондан туширилган барча китоб ва саҳифалар ҳақ ва тўғри бўлган. Лекин кейинчалик инсонлар уларга ўзгартиришлар киритганлар. Ҳозирги кунга келиб Қуръони

каримдан бошқа барча илоҳий китоб ва саҳифалар асл ҳолатида эмас.

Қуръони карим ҳамма томонидан бузилишдан сақланган ва қиёматгача шундай сақланиб қолади: Ким Қуръони карим ўзгартирилган деса кофир бўлади. У охириги китоб бўлиб, ўзидан олдингиларининг ҳукмини бекор қилувчи ва уларнинг энг афзалидир.

Аввалги самовий китобларнинг амал қилиш муддати белгилаб қўйилган, Қуръони каримнинг ҳукми эса қиёмат кунига қадар давом этади. Ундан кейин янги илоҳий китоб тушмайди.

Қуръони карим араб тилида нозил қилинган. Уни намозда бошқа тилларда ўқиш ва тиловат қилиш - кабилар қатъиян тақиқланади. Шунингдек, жунуб ва ҳайз ҳолатида мусҳафни ушлаш, овоз чиқариб тиловат қилиш мумкин эмас.

Пайғамбарларга имон: Пайғамбар сўзи форс тилидан кириб келган бўлиб, “хабарчи” деган маънони англатади. Қуръони карим ва ҳадисларда у набий ва расул сўзлари билан ифодаланади. Динимизга кўра пайғамбар – Аллоҳ томонидан танланган, илоҳий ваҳий нозил қилинган, ҳукмларни етказиш ва халқни ҳидоятга йўллаш учун юборилган кишидир. Унга китоб нозил қилинган бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Аллоҳ таоло томонидан юборилган ҳар бир пайғамбарга имон келтириш фарздир.

Пайғамбарликда расул ва набийлар ажратилади.

Расул деб алоҳида шариат билан юборилган ва уни инсонлар орасида тарқатиш вазифаси юкланган Зотларга айтилади. Набийлар эса алоҳида шариат берилмаган, балки инсонлар ислоҳи учун юборилган пайғамбарлардир. Ҳар бир расул набий, лекин ҳамма набийлар ҳам расул бўлавермайди.

Набийларнинг сони расулларга нисбатан кўпдир. *Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда, бир кун Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан “Пайғамбарларнинг адади нечтага етади?”, деб сўраганларида У Зот “124 минг. Шулардан расуллари жами 325 тадир”, деб жавоб берганлар.* (Имом Аҳмад ривояти)

Пайғамбарларга илм бевосита Аллоҳ таоло томонидан берилади. Шунинг учун, ўз замонасида ва ўз қавми ичида улар ҳаммадан илмли ҳисобланадилар.

Барча пайғамбар ва расулларнинг ақидаси биттадир. Лекин шариатда бир-биридан фарқланишади.

Пайғамбарлар нубувват келишидан олдин ҳам, кейин ҳам гуноҳлардан маъсум (пок) дирлар. Яъни улардан на катта ва на кичик гуноҳ содир бўлади, чунки уларни бундан Аллоҳнинг ўзи тўсиб қўйган бўлади. Бошқа бирор киши гуноҳдан тўсилмаган.

Нубувват ва рисолатга ҳар ким ибодат ва риёзат қилиш билан эриша олмайди. У Аллоҳ

томонидан Ўзи танлаган бандагагина насиб этади.

Аллоҳга имон келтириб, лекин пайғамбарларга имон келтирмаган киши кофир бўлади. Ким пайғамбарларнинг баъзисига имон келтириб, бошқаларини инкор қилса ҳам диндан чиқади.

Набийларнинг биринчиси Одам (алайҳис-салом), расулларнинг биринчиси эса Нух (алайҳис-салом)дир. Расулларнинг ичида беш нафари – Нух (алайҳис-салом), Иброҳим (алайҳис-салом), Мусо (алайҳис-салом), Исо (алайҳис-салом), Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)лар “Улу-л азм” (энг улуғ) деб аталади.

Пайғамбарларга нисбатан одобсизлик қилиш, масхаралаш, камситиш кишини ислом динидан чиқаради.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) пайғамбарларнинг сўнггиси ва энг афзали ҳисобланадилар. Кимда-ким улардан сўнг пайғамбарликни даъво қилиб чиқса, у ёлғончи ва кофир бўлади. Бундай одамга эргашган киши ҳам диндан чиқади.

Қиёмат кунига имон: Қиёмат дунёнинг тугаши ва охиратнинг бошланишидир. У Аллоҳнинг сирларидан бири бўлиб, қачон воқе бўлишини фақат Яратганнинг ўзи билади. Ҳадисларда қиёмат жума куни бўлиши ҳақида маълумотлар келган.

Бу кунда фаришта Исрофил (алайҳис-салом) сур чалади ва барча жонли мавжудотлар

ўлади. Қирқ йилдан сўнг иккинчи сур чалинади ва барча мавжудотлар қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилиниш учун маҳшаргоҳга йиғилишади.

Қиёматнинг қачон бўлиши маълум бўлмасанда, Қуръон ва ҳадисларда унинг аломатлари келтириб ўтилган. Улар икки қисм – катта ва кичикга бўлинади.

Қиёматнинг кичик аломатлари Пайғамбаримиз туғилганларидан Имом Маҳдий чиққунича бўлган даврни ўз ичига олади. Катта аломатлар эса Имом Маҳдий чиқишидан биринчи сур чалингунча бўлган даврни ўз ичига олади. Қуйида улар санаб ўтилади.

Кичик аломатлар:

1. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг дунёга келишлари.

2. Фарзандларнинг бетарбия бўлиб кетиши.

3. Илм кўтарилиб, жаҳолат оммалашиши.

4. Ишлар ўз эгасидан бошқасига топширилиши.

5. Ичкиликбозлик ва зино оммалашиши.

6. Ёлғон оммалашиб, ёлғончилик камолот белгиси сифатида тушунилиши.

7. Омонат ўрнини хиёнат эгаллаб, омонатга берилган нарса ўзиники деб тушунила бошлаши.

8. Шарму ҳаё умуман қолмаслиги.

9. Зулм ва ситам оммалашиши.

10. Бегуноҳ одамларнинг беҳуда ўлдирилиши кўпайиб кетиши.

11. Закотни товон деб тушунила бошлаши.

12. Онага бўйсунмай хотинга бўйсунадиган бўлиши.

13. Аёллар кўпайиб, эркаклар камайиб кетиши (хатто бир эркакка 50 нафар аёл тўғри келади).

14. Умматнинг ичидан 30 нафар пайғамбарликни даъво қилувчилар чиқиши.

Катта аломатлар:

1. Имом Маҳдийнинг чиқиши.

2. Дажжолнинг чиқиши.

3. Исо (алайҳис-салом)нинг чиқишлари.

4. Яъжуж ва Маъжужларнинг чиқиши.

5. Тутуннинг пайдо бўлиши.

6. Қуёшнинг тутилиши.

7. Қуёшнинг мағрибдан чиқиши.

8. Ер ҳайвони (Добба)нинг пайдо бўлиши.

9. Ёқимли шамол келиб мўминларнинг жонини олиши.

10. Ҳабашлар ҳокимиятга келиб, Байтуллоҳ бузилиб, Қуръон осмонга кўтарилиши.

11. Оловнинг чиқиши.

Тақдирга имон: “Тақдир” сўзи луғатда “ҳисоблаш, ўлчамини аниқлаш, тахмин, фарз”, деган маъноларни англатади. Истилоҳда ҳозиргача бўлган ва бўлаётган ҳамда келажакда бўладиган ишларнинг барчасини Аллоҳнинг илмига мувофиқ, деб билиш тақдирга имон келтириш, дейилади. Мазкур атамани ифодалаш учун “қазо ва қадар” ибораси ҳам ишлатилади.

Мулла Али ал-Қорий ўзининг “Шарху фикҳил акбар” асарида қазо ва қадарга имон келтириш борасида шундай деган: “Қазо ва қадарнинг яхши-ёмонига, фойда-зарарига, ширин-аччиғига Аллоҳдан деб имон келтиришдир”.

Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатхул борий шарҳ саҳиҳил Бухорий” номли китобда: “Салафи солиҳинлардан иборат уламоларнинг барчаларининг наздида борлиқда содир бўладиган ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг тақдири биландир”, деган¹¹.

Бундан маълум бўладики, Аллоҳ таоло жамики борлиқда яратган махлуқотларини келажакда қандай хусусиятларга эга бўлиши, уларнинг ризқи, умри қанчалиги, ҳаёти дунёда бахт-саодатли, савобли амалларни қилиши ёки гуноҳ амалларни қилиб бахтсиз бўлиб, охиратда надоматга қолишларини, бир сўз билан айтганда, бутун оламда яратилган жонзотлардан нима содир бўлишини олдиндан аниқ билади.

Ҳар бир яхши ва ёмон иш Аллоҳ таолонинг илми ва ўлчамига мувофиқ бўлади. Бирор иш Аллоҳнинг илми ва белгилаган ўлчовидан ташқарига чиқмайди.

Бу ҳақда ояти карималарда шундай дейилган:

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ

¹¹ Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатхул борий шарҳ саҳиҳил Бухорий. 11/478.

“Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик”. (Қамар, 49)

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

“Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!” (Соффат, 96)

قُلْ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَالِ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا

“Ҳаммаси Аллоҳдандир”, – денг (уларга). Бу қавм кишиларига нима бўлдики, гапни англай олмайдилар?!” (Нисо, 78)

Аллоҳ таоло оламини яратишдан олдин Ўзининг азалий илмига мувофиқ унинг бошланишидан то ниҳоясигача бўлган нарсаларнинг тақдирини белгилаши “қадар”дир. Олам ва ундаги нарсаларнинг ўша белгиланган тақдирда пайдо бўлиб, жорий бўлиши “қазо”дир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدَرًا مَقْدُورًا

“Аллоҳнинг иши ўлчовли тақдирдир”. (Аҳзоб, 38)

بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

“(У) Еру осмонларнинг Яратувчисидир. Бирор ишни қиладиган бўлса, (фақатгина унга) “Бўл!” деса, бас, у бўлади”. (Бақара, 117)

Акмалиддин Бобартий “Шарҳ васияти Абу Ҳанифа” асарида “қазо” лафзига: “Қазо – бу барча махлуқотларнинг вужудга келиши “Лавҳул маҳфуз”да жамланган ва умумий ҳолда баён қилинишидир”, деб таъриф берган¹².

Бу таърифга биноан, қазо – махлуқотларга Аллоҳ таоло томонидан олдиндан тақсимлаб қўйган нарсасини Ўзи белгилаб қўйган вақтда юзага чиқаришидир.

Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) “Фикҳул акбар” асарида: “Аллоҳ таоло нарсаларни мавжуд бўлишидан олдин ҳам азалда билувчи эди. У нарсаларга тақдирни тайин қилган ва уларга ҳукмини жорий қилган Зотдир. Дунё ва охираатдаги ҳар бир нарса Унинг хоҳиши, илми, ҳукми, ўлчови ҳамда “Лавҳул маҳфуз”га ёзганидек бўлади. Лекин уни васф билан ёзган, буйруқ билан эмас” деб келтиради.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, Аллоҳ таоло Ўзининг азалий ва абадий илми билан барча махлуқотларининг тақдирини олдиндан белгилаб, уларга Ўз ҳукмини жорий қилган. Бироқ бундан энди тақдирда ёзилган нарсаларни қилишга бандалар мажбур дегани келиб чиқмайди. Балки, бу инсонларни келгусида қиладиган ишлари Аллоҳ таолога азалдан маълум деган

¹² Акмалиддин Бобартий. “Шарҳ васияти Аби Ҳанифа”, 81-б.

маъно тушунилади. Яъни бандаларга жузъий ихтиёр берилган бўлиб, уни қайси тарафга қараб йўналтиришига кўра жазо ва мукофот олишади.

Аллоҳ таоло инсонларнинг тақдирини зулм ила ёзмаган. Балки, бандаларда ирода ва ихтиёр эркинлиги бордир. Чунончи, инсон ўзи хоҳлаган ишни қилади, ёқтирмаган ишни қилмайди. Бу ҳақда “Шарҳу фикҳил акбар”да шундай дейилган: *“Банда тоат ва маъсият қилишга имконли, ихтиёрлидир. У асло мажбур эмас. Тавфиқ эса, Аллоҳ таолодандир”*.

Тақдир иккига бўлинади: мубрам ва муаллақ.

Мубрам – бу ўзгармайдиган, қатъий тақдир. *Муаллақ* – бу ўзгарувчан тақдирдир. Бунда Аллоҳ таоло бирор ишни бўлиш ёки бўлмаслигини иккинчи ишга боғлиқ қилиб қўйган бўлади. Масалан, “фалончи ота-онасининг хизматида бўлса, умри узун бўлади. Агар хизмат қилмаса, умри қисқа бўлади” каби. Тақдирнинг мазкур икки тури бандаларга нисбатандир. Аллоҳ таолога нисбатан тақдир фақат мубрам бўлади. Мулла Али Қорий ўзининг “Мирқот” асарида Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоху анҳу)дан нақл қилинган “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): “Аллоҳ таоло махлуқотларнинг тақдирларини битди...”, дедилар” ҳадисини шарҳлаб, тақдирнинг юқорида қайд этилганидек иккига бўлинишини баён қилган¹³.

¹³ Мулла Али Қорий. Мирқот. Ж. 1. – Б. 145-46.

Айни дамда, тақдирнинг беш хил даражаси мавжуд:

1. Аллоҳ таоло азалда ҳукмини чиқарган ишлар. Уларга тақдири азалий, дейилади;

2. Аллоҳ таоло Аршни яратиб, ҳали ер билан осмонни пайдо қилишдан олдин чиқарган ҳукмлари;

3. Одам (алайҳис-салом)нинг белидан зурриётларини чиқарган кундаги, яъни “алмисок”даги ҳукмлари;

4. Бола онанинг қорнидалигида чиқарилган ҳукмлар;

5. Бошқа ишларга тааллуқли ҳукмлар.

Тақдирнинг юқоридаги тўртта даражаси мубрам ҳисобланади. Ундан бирортасида ўзгариш бўлмайди. Тақдирнинг бешинчи даражаси муаллақ бўлиб, унда ўзгаришлар рўй беради. Бу ҳақда Мулла Али Қорийнинг “Шарҳу фикҳил акбар” ва Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавийнинг “Хужжатуллоҳил болиға” асарларида маълумотлар келган.

Киши “Тақдирда ҳамма нарса ёзилган бўлса, имон келтириб, амал қилишимдан нима наф”, деб имон билан амални тарк қилмаслиги керак.

Биринчидан, банда тақдирида нима ёзилганини билмайди. Шундай экан, охирати обод бўлсин деб яхши ишлар қилмоғи даркор. Иккинчидан, тақдирда натижа билан сабаблар ҳам битилгандир. Масалан, фалончи имон ва солиҳ амаллари сабабли жаннатий

бўлади, деб ёзилгандир. Учинчидан, ризқ-рўз борасида тақдирда нима ёзилган бўлса, ўшандан бошқаси менга етмайди, деб касб-корни ташлаб қўймаганидек, тақдирда нима ёзилган бўлса охиратда ҳам ўша бўлади, деб имон билан солиҳ амалларни тарк қилмаслиги керак.

Тақдир борасида баҳс-мунозарадан тийи-лиш керак. Зеро, ҳадиси шарифларда ундан қайтарилган. Чунки, тақдирдаги аксарият гап-сўзлар инсоний тушунчадан ташқарида бўлади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Биз қадар борасида мунозара қилиб турганимизда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бизни олдимизга чиқдилар. Шунда ғазабланганларидан юзлари қизариб, гўё икки ёнокларидан анор бўртиб чиққандек бўлди. “Шунга сизларни буюрдимми ёки сизларга бу ила юборилдимми? Сизлардан олдингилар бу борада тортишганларида ҳалок бўлишган. Сизларни унда тортишмасликларингизга ундайман”, дедилар”. (Термизий ривояти)

Қайта тирилишга имон: Қиёмат қоим бўлгандан қирқ йил ўтиб иккинчи сур чалинади. Биринчи сур чалингандан сўнг барча махлуқотлар, ҳатто фаришталар ҳам вафот этган бўлади. Аллоҳ таоло Исрофил (алайҳиссалом)ни қайта тирилтириб, иккинчи бор

сур чалишга ҳукм қилади. Бу сур овозидан барча махлуқотлар қайта тирилади ва маҳшар майдонига йиғила бошлайдилар.

Бу кунда қуёш инсонга жуда яқин бўлганидан миялар қизиб кетади. Одамлар чанқоқ ҳолатида бўлади. У кунда Аллоҳнинг Аршидан бошқа бирорта соя бўлмайди. Ҳамма фақат ўз ғамини еб, хаёли паришон бўлади.

Инсонлар маҳшар майдонидан қочишга ҳаракат қиладилар, лекин қоча олмайдилар. Аллоҳнинг раҳматига муяссар бўлганларнинг юзлари яшнаб, нурли ҳолатда бўладилар. Ғазабга дучор бўлган кимсаларнинг юзлари сўлиқ ва қорайиб кетган бўлади. Бу кунда инсоний муносабатлар: дўстлик, муҳаббат, қариндошликнинг барчаси тугайди.

Бу кун кўрқинчидан ёш болалар ҳам қариб кетади. Инсонлар маҳшарда узоқ муддат тик турганларидан сўнг Одам (алайҳис-салом)га элчи юбориб, Аллоҳ таолодан ҳисоб-китобни бошлашни сўрашади. Одам (алайҳис-салом) бунга журъат этолмай, Нух (алайҳис-салом)га, у киши Иброҳим (алайҳис-салом)га, шу йўсинда Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) олдиларига бориб, ҳисобни бошлаш ҳақида шафоат сўрайдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло Пайғамбаримизнинг илтимосларини қабул қилиб, ҳисоб-китобни бошлайди. Мана шу “Шафоати кубро” (катта шафоат) деб аталади. Азон дуосидаги Мақоми маҳмуд (мақталган мақом), деб шунга айтилади.

Ҳисоб-китоб бошланишидан олдин барчага номаи аъмоллар тарқатилади. Имонлиларнинг китоблари ўнг қўлидан, имонсизларники чап қўлидан берилади.

Номаи аъмолнинг ўнг қўлдан берилиши жаннатга кириш аломати, чап қўлдан берилиши эса жаҳаннамий бўлишдан дарак беради. Ҳамма ўз китобини ўқиб чиққач, кироман-котибинлар барчага алоҳида-алоҳида гувоҳлик келтира бошлайдилар. Пайғамбарлар ва Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) умматлари ва инсоннинг тана аъзолари ёзилган ҳужжатларга гувоҳ сифатида иштирок этади.

Ҳисоб-китобда яхши ва ёмон амаллар саналмайди, балки тарозида тортилади. Қиёмат кунндаги тарозига имон келтириш фарздир. Лекин унинг қандай экани суриштирилмайди. Тарози икки хил бўлади:

- мўмин ва кофирни ажратувчи;
- муслмонларнинг яхши ва ёмон амалларини тортувчи.

Ҳисоб-китоб тугагач, барча инсон жаҳаннам устига тикланган кўприк – “Сирот”дан ўтади. “Сирот” кўпригига имон келтириш фарз амаллардан ҳисобланади. Аллоҳ таолога яқин бўлган инсонлар ундан чақмоқ чаққандек, шамолдек учиб, югуриб ўтадилар. Яъни, кўприқдан қандай ўтиш инсоннинг имони ва амалига қараб белгиланади. Кўприқдан ўтганлар жаннатга киради. Биринчи бўлиб ундан Пайғамбаримиз умматлари ўтадилар.

III боб. КУФР

КУФРНИНГ ЛУҒАВИЙ ВА ИСТИЛОҲИЙ МАЪНОЛАРИ ВА ҚИСМЛАРИ

Имон ва исломнинг зидди куфрдир. Куфр луғатда “яшириш”, “ношукрлик”, “нонкўрлик”, деган маъноларни англатади. Истилоҳда динда зарурий бўлган нарсалардан бирортасини инкор қилишга айтилади.

Куфр умумий тарзда беш қисмга бўлинади:

1. **Куфри инкор.** У динда зарур бўлган нарсаларни дил билан тасдиқ ҳам тил билан иқроор ҳам қилмасликдир. Аксарият кофирларнинг куфри шу тарзда бўлади.

2. **Куфри жухуд.** Динда зарур бўлган нарсаларни ҳақ деб билади. Лекин уларни дилдан қабул ҳам, тил билан иқроор ҳам қилмайди. Бунга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) замоналаридаги яҳудийлар ва шайтоннинг куфри мисол бўлади.

3. **Куфри ъинод.** Имон келтириш зарур бўлган нарсаларга дилдан имон келтириб, тил билан иқроор қилади-ю, лекин бошқа ботил динларнинг ботил эканини тан олмайди.

4. **Куфри нифоқ.** Динда имон келтириш керак бўлган нарсаларни дилдан инкор қилади. Лекин бирор дунёвий фойдани кўзлаб тили билан мусулмонликни даъво қилади. Бундай кишини ислом динида мунофиқ дейилади. Аслида бундайлар кофирлардан ҳам ёмонроқдир.

5. **Куффри зиндиқ ва илҳод.** Бундай кишилар динда имон келтириш зарур бўлган барча нарсаларнинг зоҳирига таслим бўлишиб, зоҳиран мусулмондек кўринадилар. Лекин динда имон келтириш зарур бўлган қайсидир бир масалани мусулмонлар тан олган маънодан ўзгача талқин қилади.

Куфрда айблашдан эҳтиёт бўлиш

Кишини кофирга чиқариш араб тилида “такфир” деб аталиб, бу сўз “яширмақ”, “кечирмақ” маъноларини билдиради. Истилоҳда эса бир мусулмонни “кофирга чиқариш”, яъни уни диндан чиққан деб ҳукм қилишдир. Ислом дини таълимотларида бирор инсонни ҳақиқий ҳужжат бўлмасдан туриб “кофир” деб ҳукм қилиш мумкин эмас. Бунга ислом манбаларида қатор далиллар келган.

عن أنس بن مالك قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم
ثلاث من أصل الإيمان الكف عن قال لا إله إلا الله ولا نكفره
بذنب ولا نخرجه من الإسلام بعمل. (رواه أبو داود).

Имом Абу Довуд (раҳматуллоҳи алайҳ) Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Уч нарса имоннинг аслидандир. “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кимсага тегмаслик, гуноҳи туфайли уни кофирга чиқармаймиз, амали туфайли уни исломдан чиқармаймиз”, дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Ушбу ҳадиси шарифда мукулмон инсон бошқа диндошларига нисбатан қандай муносабатда бўлиши борасида аниқ тавсия берилмоқда. Унга кўра ҳақиқий мўмин бошқа биродарини гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслиги ҳамда уни қилган амали сабабли мўмин эмас, деган сўзни айтмаслиги лозимлиги уқтирилмоқда.

عن ابن عمر أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: أيما أمرئ قال لأخيه يا كافر فقد بآء بها أحدهما، إن كان كما قال، وإلا رجعت عليه. رواه البخاري ومسلم

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким биродарига “Эй кофир”, деса, бу икковидан бирига қайтади: у (тингловчи) агар у айтганидек бўлса бўлди, бўлмаса (гап) ўзига қайтади”, деганлар. (Бухорий ва Муслим ривояти)

عن أبي ذر رضي الله عنه أنه سمع النبي صلى الله عليه وسلم يقول: لا يزمي رجلٌ رجلاً بالفُسوق ولا يزميه بالكفر إلا ارتدت عليه إن لم يكن صاحبه كذلك. رواه البخاري

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг “Киши бировни фосиқликда ёки кофирликда айбласа-ю, шериги ундай бўлмаса, бу албатта унинг ўзига қайтади”,

деяётганларини эшитганман”. (Бухорий ривояти)

Бу маънодаги ҳадисларни кўплаб келтириш мумкин. Уларда инсон бошқа мусулмонларни кофирга чиқаришга шошмаслиги, айбланган шахс у айтганидек бўлмаса ўзи ўша сифатга дохил бўлиши таъкидланган.

Ибн Ҳиббон ривоят қилган бошқа ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўшнини ширкда айблашдан ва унга қарши қилич кўтаришдан қаттиқ огоҳлантирганлар.

عن حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أَخَوْفَ مَا أَخَافُ عَلَيْكُمْ رَجُلٌ قَرَأَ الْقُرْآنَ، حَتَّى إِذَا رَأَيْتَ بَهَجَتَهُ عَلَيْهِ وَكَانَ رِذَاءًا لِلْإِسْلَامِ انْسَلَخَ مِنْهُ وَنَبَذَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ وَسَعَى عَلَى جَارِهِ بِالسَّيْفِ، وَرَمَاهُ بِالشَّرْكِ قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللهِ! أَيُّهُمَا أَوْلَى بِالشَّرْكِ الرَّامِي أَوْ الْمَرْمِيُّ؟ قَالَ: بَلِ الرَّامِي.

أخرجه البخاري في التاريخ وابن حبان

Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай дедилар: “**Мен сизларга энг хавфсирайдиганим Қуръон ўқийдиган шундай бир кишики, у (Қуръон) унга кўрк бўлиб, ўзи эса исломга таянч бўлганини кўрганингда, у ундан (исломдан) суғирилиб чиқиб, уни орқасига ирғитади-да, кўшни-сининг устига қилич билан ташланади ва уни ширкда айблади**”, дедилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг На-

бийси, у икковидан қай бири ширкка яқин, айбловчисими ёки айбланувчисими?” дедим. У зот: “**Йўқ, айбловчиси**”, дедилар”. (Имом Бухорий “Тарих”ида ҳамда Ибн Ҳиббон ривоят қилган)

Юқоридаги ҳадиси шарифларда зикр қилинган ҳолатлар биз гувоҳ бўлаётган ишларга тўғри келади. Муслмонлик даъвосини қилиб, бироқ шариат ҳукмларига зид равишда бегуноҳ кишиларни ўлдириш, болалар ва аёлларни қул қилиш, молу-мулкларни зўравонлик билан эгаллаш, бошқа дин вакилларига нисбатан зулм қилиш ислом дини таълимотларига мутлақо тўғри келмайди. Зеро, кўплаб ҳадиси шарифларда ҳақиқий мўмин киши ўзидан бошқа инсонларга на тили ва на қўли билан озор бермаслиги лозимлиги баён қилинган.

أَسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ بْنِ حَارِثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَعَثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْخُرَاقَةِ مِنْ جُهَيْنَةَ - قَالَ - فَصَبَّخْنَا الْقَوْمَ فَهَزَمْنَاهُمْ - قَالَ - وَلَجِئْتُ أَنَا وَرَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ رَجُلًا مِنْهُمْ - قَالَ - فَلَمَّا غَشِينَاهُ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ - قَالَ - فَكَفَّ عَنْهُ الْأَنْصَارِيُّ، فَطَعَنَتْهُ بِرُمْحِي حَتَّى قَتَلْتُهُ - قَالَ - فَلَمَّا قَدِمْنَا بَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَقَالَ لِي: ”يَا أَسَامَةَ، أَقَتَلْتَهُ بَعْدَ مَا قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟“ قَالَ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّمَا كَانَ مُتَعَوِّدًا. قَالَ: ”أَقَتَلْتَهُ بَعْدَ أَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟“ قَالَ: فَمَا زَالَ يُكْرِرُهَا عَلَيَّ حَتَّى تَمَنَيْتُ أَنِّي لَمْ أَكُنْ أَسَلَمْتُ قَبْلَ ذَلِكَ الْيَوْمِ.

رواه البخاري

Усома ибн Зайд ибн Ҳориса (розияллоҳу анҳумо) шундай сўзлаб берди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бизни Жуҳайнанинг Ҳурақа қабиласи томон юбордилар. Биз бу қавмга тонгда ҳужум қилиб, уларни енгдик. Мен ва бир ансорий улардан бир кишига етиб олдик. Биз уни қуршаб олган эдик, у: “Лаа илааҳа иллаллоҳ!” деди. Ансорий ўзини тўхтатиб қолди, мен эса найзамни санчиб, уни ўлдирдим. (Мадинага) келганимизда бу гап Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) га етиб борди. У зот: “Ҳой Усома! “Лаа илааҳа иллаллоҳ”, деганидан кейин ҳам уни ўлдирдингми?” дедилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, у қутулиб қолмоқчи эди”, дедим. У зот яна: “Лаа илааҳа иллаллоҳ”, деганидан кейин ҳам уни ўлдирдингми?” дедилар. У зот бунни менга такрорлайвердилар, ҳатто ўша кундан аввал мусулмон бўлмасайдим, деб орзу қилиб қолдим”. (Бухорий ривояти)

Ушбу ҳадис ҳозирги кундаги такфирчи адашган барча тоифаларга очиқ-ойдин раддия бўлиб, улар ҳеч қачон “Ла илааҳа иллаллоҳ” деб айтган инсонга нисбатан кескинлик қилишлари, ўлдириш тугул, ҳатто уларга нисбатан қаттиқ гапиришга ҳам ҳақлари йўқ.

Ачинарлиси, бугунги кунда “такфир” тушунчаси уламоларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда. Бутун дунёга зиё, илм-маърифат ва маънавият тарқатиб турган олимлар жоҳил, нодон кимсалар қўлида кўплаб азиятлар кўрдилар.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: إن الله قال: من عادى لي وليا فقد آذنته بالحرب.
رواه البخاري

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган яна бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Ким менга яқин бўлган бир бандамга нисбатан душманлик қилса, унга қарши уруш эълон қилурман”,* деганлар (Имом Бухорий ривояти). Ушбу ҳадисни изоҳлаб Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофеъий (раҳимаҳуллоҳ)лар: *“Агар уламолар Аллоҳга яқин бўлишмаса, ким ҳам У зотга яқин бўларди?”* дейишган.

Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг ақида борасида мўътабар ҳисобланган “Фикҳул акбар” китобида шундай дейилади:

ولا نكفرُ مسلمًا بذنبٍ من الذنوبِ وإن كانت كبيرةً إذا لم يستجَلِّها، ولا نزيلُ عنه اسمَ الإيمانِ ونسَمِّيهِ مؤمنًا حقيقةً

“Мусулмон шахсни бирор гуноҳ сабабли, гарчи у катта гуноҳ бўлса ҳам, модомики уни ҳалол санамас экан кофирга чиқармаймиз ва ундан имон исмини ҳам кетказмаймиз. Уни ҳақиқий мўмин деб атаймиз”.

Қомусий олим Абу Жаъфар Таҳовий Ҳанафий ҳам ўзининг “Ақида таҳовия” асарида шундай дейди:

ولا نكفرُ أحدًا من أهلِ القبلةِ بذنبٍ ما لم يستحلّه

“Қибла аҳлларининг биронтасини гуноҳи сабабли, модомики ҳалол санамас экан, кофирга чиқармаймиз”.

Машхур ҳанафий уламолардан Ибн Нужайм (ваф. 970/1562 й.) ўзининг “Бахр роиқ” асарида: “Агар бу масалада (яъни бир инсонни амалига қараб кофирга чиқариш) кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизтасини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак”, деганлар.

Замонамизнинг машхур алломаси доктор Юсуф Қаразовий бир мусулмонни кофирга чиқариш хусусидаги саволга қуйидагича жавоб берган: “Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алайҳис-салом) Унинг Расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, у мусулмондир. Унга тўлалигича мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши керак”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятда мусулмонларни гарчи улар кабира гуноҳ қилсалар ҳам кофирга чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Салафи солиҳлар ҳам бу борада жуда эҳтиёткор бўлиб, гуноҳкор мусулмонларни муртад ёки кофирга чиқармаганлар. Шундай экан, агар мусулмон шахс ўзининг суннатга ҳамда салафи солиҳлар йўлига эргашини даъво қилар экан, уларнинг йўлини маҳкам тутиши лозим.

IV боб. ШИРК

Ширкнинг луғавий ва истилоҳий маънолари

“Ширк” луғатда “шерик қилиш” маъноси-ни англатади. Истилоҳда Аллоҳ таолонинг зоти, сифати ёки ибодатида бошқасини Унга шерик қилишга айтилади. У аслида куфрнинг бир бўлаги ҳисобланади. Аллоҳ таоло бу ҳақда “Жин” сурасида шундай деган:

“(Эй, Муҳаммад кофирларга) айтинг: “Мен фақат Раббимгагина ибодат қилурман ва Унга ҳеч кимни шерик қилмасман”. (Жин, 20)

Ибн Саъдийнинг таъкидлашича, ҳақиқий ширк махлуққа Аллоҳга ибодат қилгандек юкуниш ва уни Аллоҳ таолони улуғлагандек улуғлашдир.

Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий айтишича, ширк – бу бирор кишини Аллоҳ таолонинг даражасида деб билиб, у иккисининг орасини фарқламасликнинг ўзигина эмас. Балки, ширкнинг ҳақиқати Аллоҳ таолонинг Ўзигагина қилинадиган ибодат, амал ва бандалик шиорларини инсонлардан бирига қилишдир. Масалан, бирор кишига сажда қилиш, унинг номини тилга олиб жонлиқ сўйиш, назр қилиш, уни ҳар жойда ҳозир у нозир, бутун борлиқнинг бошқарувчиси, деб билишдир.

Ширк билан куфр сўзлари луғавий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилгани билан шаръий эътибордан ширк куфрнинг бир бўлагидир. Бу ҳақда ояти каримада шундай дейилган:

“Биродари унга мурожаат қилиб, деди: “Сени (Одамни) тупроқдан, сўнг бир томчи “сув”дан яратиб, сўнгра инсон қилиб ростлаган зот (Аллоҳ)га кофир бўлдингми?! Мен эса: “У Аллоҳ Раббимдир” (дейман) ва Раббимга ҳеч кимни шерик қилмайман”. (Каҳф, 37–38)

Ширк бир неча турда бўлади:

1. Зотда шерик қилиш. Аллоҳ таолонинг зоти, илоҳлигига бошқасини шерик қилишдир. Масалан, насронийлар Аллоҳни учта, мажусийлар иккита, бутпарастлар бир нечта, деб даъво қилишлари каби. Буларнинг барчаси зотда ширк келтириш дейилади.

“Аллоҳ бу – Масиҳ ибн Марям”, – деганлар кофир бўлдилар. Масиҳ уларга деди: “Эй, Исроил авлоди! Раббим ва Раббингиз (бўлмиш) Аллоҳга ибодат қилингиз!” Кимки Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас. “Аллоҳ Учтанинг (Аллоҳ, Марям ва Исонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг) биридир”, – деганлар (ҳам) кофир бўлдилар. Ягона Илоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Агар айтаётган (гап)ларидан қайтмасалар, улар орасидан кофир

бўлганларига аламли азоб етиши муқаррардир”; (Моида, 72–73)

2. Ибодатларда ширк келтириш. Аллоҳ таоло Ўзининг улуғлигини изҳор қилиш учун бандалари зиммасига жорий қилган амалларда ўзгани шерик қилишдир. Масалан, намоз, рўза, рукуъ, сажда, Каъбани тавоф қилиш каби ибодатлар шулар жумласидандир. Кимки бу ишларда Аллоҳ таолодан бошқасини Унга шерик қилса, ибодатда ширк қилган бўлади. Масалан, Аллоҳ таолодан Ўзгага сажда қилиш, рукуъ қилиш ёки унинг ҳузурида намозда қиём тургани каби қоим бўлиш, қабрларга сажда қилиш, валий, пирларга атаб рўза тутиш, уларга атаб қурбонлик қилиш, уларнинг номига назрлар аташ, бирор кишини ёки қабрини Каъбани тавоф қилгандек тавоф қилиш, Аллоҳ таолодан сўраладиган нарсаларни бошқасидан сўраш кабилар ибодатдаги ширк ҳисобланади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло “Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ... амр этди” (Исро, 23), деб марҳамат қилади.

Бошқа ояти каримада Макка мушрикларининг чорва ҳайвонлари, экинзорлар борасида ширкона қарашлари шундай ифодаланган:

وَقَالُوا هَذِهِ أَنْعَامٌ وَحَرْثٌ حِجْرٌ لَا يَطْعَمُهَا إِلَّا مَنْ نَشَاءُ بَرَّ عَمِيهِمْ
وَأَنْعَامٌ حُرِّمَتْ ظُهُورُهَا وَأَنْعَامٌ لَا يَذْكُرُونَ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا
افْتِرَاءٌ عَلَيْهِ سَيَجْزِيهِمْ بِمَا كَانُوا يَفْتُرُونَ وَقَالُوا مَا فِي بُطُونِ

هَذِهِ الْأَنْعَامُ خَالِصَةٌ لِذُكُورِنَا وَمُحَرَّمٌ عَلَىٰ أَزْوَاجِنَا وَإِنْ يَكُنْ
مَيْتَةً فَهُمْ فِيهِ شُرَكَاءُ سَيَجْزِيهِمْ وَصَفَهُمْ إِنَّهُ حَكِيمٌ عَلِيمٌ

“Улар ўз (ақида)ларича: “Бу чорва ва экинлар ҳаром. Уларни фақат биз раво кўрганларгина ейдилар. Бу ҳайвонларни эса миниш ҳаром қилинган. (Сўйишда) Аллоҳнинг номи айтилмайдиган ҳайвонлар ҳам бор”, – деб, У (Аллоҳ)нинг шаънига бўҳтон тўқийдилар. Тўқиган бўҳтонлари сабабли (У) уларни жазолагай. Яна айтадиларки: “Бу ҳайвонларнинг қоринларидаги нарсалар фақат эркакларимиз учундир. Хотинларимизга эса ҳаром қилингандир”. Агар (қориндаги нарса) ўлик бўлса, ҳаммалари (эру хотинлар) шерик эмиш. Бу васфларига (яраша Аллоҳ уларни) жазолагай. Албатта, У ҳикмат ва илм соҳибидир”. (Анъом, 138–139)

Имом Бухорийдан нақл қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) ўзларини ҳам ҳаддан зиёд улуғлаб юбориш ва илоҳийлаштиришдан умматларини қайтарганлар. Умар (розияллоҳу анҳу) минбарда туриб, бундай дедилар: “Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг “Мени насоролар Ибн Марямни кўкларга кўтариб мақтагани каби мақтаманглар. Чунки мен У Зотнинг бандасиман, холос. Шу боис “Аллоҳнинг бандаси ва Расули”, денглар”, деётганларини эшитганман” (Имом Бухорий ривояти).

Али (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоятда: Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Аллоҳ таолодан бошқасининг номи билан жонлиқ сўйган кишини Аллоҳ лаънатлайди”, деганлар”. (Имом Муслим ривояти)

Бошқа ривоятларда пайғамбарларининг қабрларини номозгоҳ қилиб олган аҳли китобларни Аллоҳ таоло лаънатлаши айтилган.

3. Ҳукмда ширк келтириш. Ҳукм чиқарувчи зот Аллоҳ таолонинг ўзидир. Бирор нарсанинг ҳалол ёки ҳаром бўлиши Аллоҳ таолонинг ҳукми билан бўлади. Ким Аллоҳ таолодан ўзгани ушбу сифатда Унга шерик қилса, ҳукмда ширк келтирган ҳисобланади. Масалан, бирор бир пир ёки валий қайтарган нарсасини ҳаром деб билиш, пир томонидан буюрилган ишларни Аллоҳ таолонинг фарзлари каби деб билиш, Аллоҳдан ўзганинг ҳукмини Аллоҳнинг ҳукми даражасига кўтариш ҳукмда ширк келтириш дейилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ

“(Улар) Аллоҳни қўйиб, ўзларининг до-нишмандлари ва роҳибларини ҳамда Ма-сих ибн Марямни рабб (илоҳ) қилиб олди-лар. Ваҳоланки, Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга буюрилган эдилар”. (Тавба, 31)

Бошқа оятда шундай дейилган:

أَفَحُكْمَ الْجَاهِلِيَّةِ يَبْتَغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ

“Жоҳилият (даври) ҳукмини қўмсаёптиларми?! Чин ишончли кишилар учун Аллоҳдан кўра кимнинг ҳукми чиройлироқ экан?!” (Моида, 50)

4. Илмда ширк келтириш. Ғайб илми Аллоҳ таолога хосдир. У барча нарсанинг илмини қамраб олувчи, касб қилиб топилмайдиган, Аллоҳга хос бўлган сифатдир. Ким Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган ғайбни билишида ўзгани Унга шерик қилса, илмда ширк келтирган бўлади. Масалан, бир киши фалон Пайғамбар ёки фалон валийни ғайбни билувчи деса, яъни коинотдаги барча нарсанинг илмидан бохабар ёки уларга узоқ-яқиндаги барча нарсалар бирдек маълум бўлиб туради, деб билса, буни илмда ширк келтириш дейилади.

Аслида фақат Аллоҳ таоло барча нарсанинг илмини билувчи ягона зотдир. Осмонлару ердаги зарра нарсалар ҳам Унинг илмидан ташқарида бўлмайди. У инсонларни сирларини ҳам, ошкора айтган сўзларини ҳам билувчи зотдир. Ғайб илмининг калити ягона Аллоҳдадир. Буларнинг барчасини Аллоҳ таоло қуйидаги оятда шундай баён қилган:

وَعِنْدَهُ مَفَاتِيحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ
وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٌ فِي ظِلْمَاتِ الْأَرْضِ
وَلَا رَطْبٌ وَلَا يَابِسٌ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ

“Ғайб (яширин ишлар) калитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлсин, хўлу қуруқ бўлсин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-Махфуз)да (ёзилган) дир”. (Анъом, 59)

Муҳаммад Абдулазиз Фароҳарий ўзининг “Ниброс” асарида ғайб илмини билиш кимга хошлиги борасида тўхталиб шундай деган: “Ҳақиқат шуки, ғайб – ҳис аъзолари, зарурий ва далил талаб қиладиган илмларга аён бўлмаган нарсадир. Қуръони карим уни фақат Аллоҳ таоло билади, деган. Шундай экан, ғайбни биламан деб даъво қилган ҳам уни тасдиқлаган одам ҳам кофир бўлади”.

5. Қудратда ширк келтириш. Аллоҳ таоло қудрат сифатига эга, мутлақ қудратли зотдир. Бирор нарса Унинг қудратидан ташқарида бўлмайди. У ҳамма нарсага қодирдир. Аллоҳ таолонинг бу сифатини Ундан ўзгага собит қилиш қудрат сифатига ширк келтириш дейилади. Инсонларга фарзанд ато этиш, мақсадларни ҳосил қилиш, ёмғир ёғдириш, ризқ бериш, вафот топтириш, ҳаёт ато қилиш, фойда ва зарар етказиш барчаси Унинг қудрати билан бўлади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

قُلْ اذْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي
السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِنْ شِرْكٍَ وَمَا لَهُ
مِنْهُمْ مِنْ ظَهِيرٍ

“(Эй, Муҳаммад, мушрикларга) ай-
тинг: “Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар)
деб гумон қилган бутларингизга илтижо
қилаверингларчи! Улар на осмонларда
ва на Ерда бир зарра вазнича (нарса)га
эга эмасдирлар ва улар учун шериклик
ҳам йўқдир ҳамда улардан Унга бирор
мададкор ҳам йўқдир”. (Сабаъ, 22)

Бошқа оятда:

يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ
وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُسَمًّى ذَلِكَ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ وَالَّذِينَ
تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ إِنْ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا
دُعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ
بِشْرِكِكُمْ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلُ خَبِيرٍ

“(Аллоҳ) кечани кундузга киритур ва
кундузни кечага киритур, У қуёш ва ойни
ҳам (сизлар учун) бўйин сундириб қўй-
гандир – ҳар бири муайян муддатгача
жорий бўлур. Ана шу сизларнинг Раббин-
гиз – Аллоҳдир, Подшоҳлик фақат Уни-

кидир. (Эй, мушриклар,) сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган нарса (бут) ларингиз эса, хурмонинг думича нарсага ҳам эга эмасдирлар. Агар сизлар уларни чорласангизлар, чақириқларингизни эшитмаслар. Эшитганларида ҳам сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунида ширкларингизни инкор қилурлар. (Эй, Муҳаммад,) Сизга хабардор зот (Аллоҳ)дек (ҳеч ким) хабар бера олмас”. (Фотир, 13–14)

Ким бирор набий ёки валий шу ишларни қила олади, яъни фарзанд сўрасак бера олади, муродимизни ҳосил қила олади, ҳаёт-мамотимиз унинг қўлида, деб эътиқод қилса, қудратда ширк келтирган бўлади. “Юнус” сурасида бу ҳақда шундай дейилган:

وَلَا تَدْعُ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِنَ الظَّالِمِينَ وَإِنْ يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يُرِيدَكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَادَّ لِفَضْلِهِ يُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

“Аллоҳни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам етказга олмайдиган нарсаларга илтижо қилманг! Агар қилсангиз, унда, албатта, Сиз золимлардандирсиз. Агар Аллоҳ Сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир. Агар Сизга бирор яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч)

хам йўқдир. Бандаларидан хоҳлаганига уни (фазлини) етказур. У кечиримли ва раҳмлидир”. (Юнус, 106–107)

Бошқа ояти каримада шундай дейилади:

لِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ يَهَبُ لِمَنْ يَشَاءُ إِنِئَاتَا
وَيَهَبُ لِمَنْ يَشَاءُ الذُّكُورَ أَوْ يُزَوِّجُهُمْ ذُكْرَانَا وَإِنَاتَا وَيَجْعَلُ مَنْ
يَشَاءُ عَقِيمًا إِنَّهُ عَلِيمٌ قَدِيرٌ

“Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга (хос)дир. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур. Ёки уларга ўғиллар ва қизларни қўшиб берур ва Ўзи хоҳлаган кишини туғмас (бепушт) қилиб қўюр. Албатта, У (барча нарсани) билувчи ва (ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) қодирдир”. (Шўро, 49–50).

6. Эшитиш ва кўришда ширк келтириш. Аллоҳ таоло хос тарзда эшитиш ва кўришга эгадир. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилган:

قَدْ سَمِعَ اللهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللهِ وَاللهُ
يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا إِنَّ اللهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ

“(Эй, Муҳаммад,) Аллоҳ Сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган (аёл)нинг сўзини эшитди. Аллоҳ

сизларнинг сўзлашувларингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир”.

(Мужодала, 1)

Бундай Аллоҳга хос бўлган сифатга ўзгани шерик қилиш “эшитиш ва кўришда ширк келтириш” дейилади. Макка мушрикларининг бузук эътиқодлари ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди:

إِنْ تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا دُعَاءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا مَا اسْتَجَابُوا لَكُمْ
وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكْفُرُونَ بَشْرِكِكُمْ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلَ خَبِيرٍ

“Агар сизлар уларни чорласангизлар, чақириқларингизни эшитмаслар. Эшитганларида ҳам сизларга жавоб қила олмаслар”. (Фотир, 14)

Масалан, бир киши фалон валий узоқ-яқиндан туриб бизнинг барча гапларимизни эшитиб кўриб туради, деб эътиқод қилиши эшитиш ва кўришда ширк келтириш дейилади. Бунга қуйидаги оят далил бўлади:

لَهُ دَعْوَةُ الْحَقِّ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُمْ
بِشَيْءٍ...

“Ҳақиқий дуо фақат Унга (қилинур). Ундан ўзга – (мушриклар) дуо қилаётган (бутлар) уларнинг бирорта дуосини мустажоб қилмас”. (Раъд, 14)

7. Сифатларда ширк келтириш. Ҳар жойда ҳозир у нозир бўлиш ва ҳар жойда мавжуд бўлиш Аллоҳ таолонинг зотига хосдир. Бу ҳақда ояти каримада шундай дейилган:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَا يَكُونُ مِنْ نَجْوَى ثَلَاثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَا أَدْنَى مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا ثُمَّ يُنَبِّئُهُمْ بِمَا عَمِلُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

“Аллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани билишини кўрмадингизми?! Уч кишининг ўзаро шивирлашлари бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир, беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўладими ё кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан биргадир. Сўнгра қиёмат куни уларга қилган амалларининг хабарини берур. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир”. (Мужодадала, 7)

Аллоҳ таолодан бошқа бирор Пайғамбар ёки шахсда шундай сифат бор, деб тан олиш сифатларда ширк келтириш дейилади. Шунингдек, тавҳидга тегишли Аллоҳ таолонинг бошқа сифатларида бирор шахсни шерик қилиш ҳам сифатларда ширк келтириш дейилади.

Аллоҳ таоло ширкни асло кечирмайди. Бу ҳақда қуйидаги ояти каримада шундай баён қилинган:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур”. (Нисо, 48)

Куфр ва ширк келтирган киши абадий дўзахда бўлади. Бунга қуйидаги оятни далил қилиб келтириш мумкин:

إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ

“Кимки Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас”. (Моида, 72)

Бошқа ўринда шундай дейилган:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَالْمُشْرِكِينَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا أُولَئِكَ هُمْ شَرُّ الْبَرِيَّةِ

“Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар. Ана ўшалар халойиқнинг энг ёмонидирлар”. (Баййина, 6)

Кофир ва мушрик кишининг дунё борасида қилган дуоси қабул бўлади, лекин, охират борасида қилган дуоси қабул бўлмайди. “Анкабут” сурасида бу ҳақда шундай дейилган:

لِيَكْفُرُوا بِمَا آتَيْنَاهُمْ وَلِيَتَمَتَّعُوا فَسَوْفَ يَـٰعْلَمُونَ

“Биз уларга ато этган неъматларга ношукр бўлаверсинлар ва (шу дунёдаги ҳаётдан) “фойдаланиб” қолсинлар. Ҳали яқинда (ҳақиқатни) билиб олажаклар!” (Анкабут, 66)

Бошқа ўринда бундай дейилган:

بَلْ إِيَّاهُ تَدْعُونَ فَيَكْشِفُ مَا تَدْعُونَ إِلَيْهِ إِنْ شَاءَ وَتَتَسَوَّنَ مَا تَشْرِكُونَ

“У эса, хоҳласа, сўраган нарсангиз (бало) ни даф этар эди. (Бундай ҳолатда) келтириб юрган ширкларингни унутасизлар”. (Анъом, 41)

“Анъом” сурасининг бошқа бир оятида бу ҳақда шундай баён қилинади:

وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ وَقَفُوا عَلَى النَّارِ فَقَالُوا يَا لَيْتَنَا نُرَدُّ وَلَا نُكَذَّبُ بِآيَاتِ رَبِّنَا وَنَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ بَلْ بَدَأ لَهُمْ مَا كَانُوا يُخْفُونَ مِنْ قَبْلُ وَلَوْ رُدُّوا لَعَادُوا لِمَا نُهُوا عَنْهُ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ

“Дўзах узра тўхтатиб қўйилганда, “Оҳ, кошкийди (дунёга) қайтарилсак, Раббимиз оятларини ёлғонга чиқармай, мўминлардан бўлсак”, – деганларини кўрганингизда эди! Йўқ! Уларга олдиндан яшириб юрган (сир) лари фош бўлиб қолди. Борди-ю (дунёга) қайтарилсалар ҳам, (яна ўша) тақиқланган нарсаларга қайтган бўлур эдилар. Улар, ҳақиқатан, ёлғончилардир!”. (Анъом, 27–28)

V боб. ГУНОҲ

Гуноҳнинг қисмлари

Илоҳий буйруққа қарши чиқиш ислом динида гуноҳ деб аталади. Араб тилида “гуноҳ” қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

– “Занб” (эргашувчи, яъни шариатга қарама-қарши иш қилган ишига дунёвий ёки ухровий жазо эргашади). Бу сўз Қуръонда 35 марта такрорланган;

– “Маъсият” (қайсарлик ва Аллоҳга итоат қилмаслик). Инсоннинг бандалик чегарасидан чиқишини айнан шу сўз ифодалайди. Қуръони каримда у 33 марта такрорланган;

– “Исм” (ожиз қолиш ва савобу ажрдан маҳрум бўлиш). Бу сўз Қуръони каримда 48 марта келган;

– “Саййиа” (қайғу ва хорликни жалб қилувчи ёмон ва қабих иш). Унинг антоними “ҳасана” дир. Бу сўз Қуръонда 165 марта келган. Унга ўзақдош “сууъ” сўзи 44 марта келган;

– “Журм” (дарахтдан меванинг ажралиши, яъни тушиш маъносини англатади). Жарима сўзи билан унинг ўзаги бир хилдир. Инсоннинг гуноҳга булғаниши ҳақиқат, саодат, камолат ва мақсаддан узоқлаштиради. Бу Қуръонда 61 марта такрорланган.

– “Ҳаром” (ман қилиш, қайтариш). Бу сўз Қуръонда 75 марта келган.

ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ

– “Хотиъа” (қасддан қилинмаган гуноҳ ёки гуноҳи кабира). Бу сўз Қуръонда 22 марта такрорланган.

– “Фисқ” (хурмо данаги пўстлоғини ёриб чиқиши, яъни гуноҳкор шарият чега-расидан чиққани учун шу ном билан аталган). Бу атама Қуръонда 53 марта келган;

– “Фасод” (мўътадилликдан чиқиш). Бу атама Қуръонда 50 марта келган;

– “Фужур” (ҳаё, ибо пардасини йир-тиш). Бу атама Қуръонда 6 марта келган;

– “Мункар” (танилмаган иш, яъни гуноҳ ишлар, инсон фитрати ва соғлом ақли киши улфат бўлмайдиган иш). Бу Қуръонда 16 марта такрорланган;

– “Фоҳиша” (жирканч ва ярамас иш). Бу атама Қуръонда 24 марта келган;

– “Шарр” (хайрнинг зидди, яъни қабихиш);

– “Визр” (юк). Бу истилоҳ Қуръонда 26 марта келган.

– “Ҳинс” (ботил томонга мойил бўлиш). Бу атама Қуръони каримда 2 марта келган;

– “Ламам” (гуноҳга яқинлашиш). Бу атама Қуръонда бир марта келган.

Манбаларда гуноҳ маъносини англатувчи булардан бошқа ҳам кўплаб атамалар келган. “Айб”, “жиноят”, “зиллат”, “сиқл” (оғирлик) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Олимлар гуноҳни иккига тақсимлашган:

1. Гуноҳи кабира (катта гуноҳ);
2. Гуноҳи сағира (кичик гуноҳ).

Гуноҳларни иккига тақсимлаш Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида бўлган. Бунга қуйидаги оятларни мисол қилиб келтириш мумкин:

وَوُضِعَ الْكِتَابُ فَتَرَى الْمُجْرِمِينَ مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَا وَيْلَتَنَا مَالِ هَذَا الْكِتَابِ لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا
وَوَجَدُوا مَا عَمِلُوا حَاضِرًا وَلَا يَظِلُّمُ رَبُّكَ أَحَدًا

“Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: “Ҳолимизга вой! Бу қандоқ китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди”, дейишларини кўрурсиз”; (Каҳф, 49)

إِنْ تَجْتَنِبُوا كَبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ نُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلَكُمْ
مُدْخَلَ كَرِيمًا

“Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз ва сизларни шинам манзил (жаннат)га киритурмиз”; (Нисо, 31)

الَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَائِرَ الْإِثْمِ وَالْفَوَاحِشَ إِلَّا اللَّمَمَ إِنَّ رَبَّكَ وَاسِعُ
الْمَغْفِرَةِ

“Улар (жаннат аҳли) кичик хатолардан бошқакаттагуноҳларданвабузукликлардан йироқ юрадиган зотлардир. Албатта, Раббингиз мағфирати кенг зотдир”; (Нажм, 32)

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا

“Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди”. (Нисо, 48)

Гуноҳи кабиралар ва уларнинг мағфират қилиниши

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра гуноҳи кабира қилган мусулмон кофир бўлмайди. Тарихда баъзи гуруҳлар гуноҳи кабира қилган мусулмон кофир бўлади ва уни қони бизга ҳалол бўлади, деб эътиқод қилишган. Жумладан, улар Али (розияллоҳу анҳу) боғийлар ва хорижийларни ўлдиргани учун кофир бўлган, дейишади. Саҳобаи киромларга бундай тухматни отишдан Аллоҳ таоло барчамизни асрасин. Чунки, улар умматнинг пешқадами ва Расулуллоҳнинг

суюклиларидирлар. Баъзи тоифалар эса гуноҳи кабира қилган мусулмон тавбасиз вафот этса, кофир бўлади ва абадий жаҳаннамда қолади, дейишган.

Юқоридаги икки тоифа ўзларига қуйидаги ояти каримани далил қилиб келтиришади:

وَمَنْ يَقْتُلْ مُؤْمِنًا مُتَعَمِّدًا فَجَزَاءُ ۞ جَهَنَّمَ خَالِدًا فِيهَا

“Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир”. (Нисо, 93)

Аслида, бу оят уларнинг қаршисига далил бўлади. Чунки, ояти каримада мусулмонни ўлдиришни ўзига ҳалол ҳисоблаб ўлдирган кишининг жойи абадий дўзахдир, дейилмоқда ёки мусулмонни ўлдирган мусулмон жуда узоқ дўзахда қолиб кетади, дейилмоқда.

Аҳли сунна вал жамоанинг уларга қарши далиллари қуйидагилардир:

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

“Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шояд, (шунда) иқболли бўлсангизлар”. (Нур, 31)

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَنْ يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

“Эй, имон келтирганлар, Аллоҳга чин тавба қилинглар, шоядки, Раббингиз сизларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритса!” (Таҳрим, 8)

Мазкур оятлардаги “Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар!”, “Эй, имон келтирганлар, Аллоҳга чин тавба қилинглар” жумлаларига эътибор бериб қаралса, унда тавба қилинглар, чин тавба қилинглар, дейилмоқда. Тавба албатта гуноҳ қилган инсондан содир бўлади. Агар гуноҳи кабира инсонни диндан чиқарганида Аллоҳ таоло эй мўминлар тавба қилинглар, демаган бўлар эди.

Шунингдек, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) ўзларининг ҳадисларида: “*Ҳар қандай яхши ва фожир орқасида намоз ўқинглар*”, деб гуноҳкор орқасида намоз ўқишга амр этдилар. Агар гуноҳ инсонни диндан чиқарганида Расулуллоҳ бундай демаган бўлардилар.

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра шариат томонидан белгиланган гуноҳларни ҳалол деб эътиқод қилишгина мусулмонни диндан чиқаради. Масалан, ҳамр (маст қилувчи ичимлик) шариат томонидан ҳаром қилинган. Уни ҳалол деб эътиқод қилиш куфр саналади.

Гуноҳи кабираларнинг маълум адади йўқ. Баъзи ҳадисларда учта, баъзисида еттита, баъзисида ўнта, баъзисида ўн бешта, баъзисида етмиштагача саналган. Гуноҳи кабираларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Аллоҳ таолонинг зотига ёки сифатларига ширк келтириш;

- куфр келтириш;
- тақдирни инкор этиш;
- ноҳақ одам ўлдириш;
- зино қилиш;
- сеҳр билан шуғулланиш;
- билиб туриб фарз намозни тарк қилиш;
- қодир бўла туриб закот бермаслик;
- узрсиз рамазон рўзасини тарк қилиш;
- қурби ета туриб фарз ҳажни адо қилмаслик;
- ўзини-ўзи ўлдириш;
- фарзандларини қатл қилиш (ҳомилага руҳ киргандан кейин уни бесабаб аборт қилдириш ҳам қотилликка киради);
- ота-онага итоат қилмаслик;
- қариндош-уруғлар билан борди-келдини узиш;
- ёлғон гапириш;
- ёлғон қасам ичиш;
- ёлғон гувоҳлик бериш;
- баччавозлик қилиш;
- пора олиш, пора бериш, порахўрликка гувоҳ бўлиш;
- етимнинг молини ноҳақ ейиш;
- Ватан ҳимояси пайтида жанг майдонидан қочиб кетиш;
- Аллоҳ ва Унинг Расулига нисбат бериб ёлғон гапириш;
- зулм қилиш;
- кибрланиш;
- поқдомон аёлга тухмат қилиш;
- ҳасад;
- ваъдага хиёнат қилиш;
- аҳдни бузиш;
- золим, фосиқларга яхши муомалада

- бўлиб, солиҳ инсонларга нисбатан ёмон муомалада бўлиш;
- Аллоҳ таолонинг дўстларига азият бериш ёки уларга нисбатан душманчилик қилиш;
 - хамр ичиш;
 - ҳаром йўл билан бойлик топиш;
 - эркаклар аёлларга, аёллар эркакларга ўхшашга уриниш ёки шаклга кириш;
 - даюс бўлиш;
 - риё қилиш;
 - эркаклар ипак кийим кийишлари, тилла узук тақишлари;
 - авратни беркитмаслик;
 - сағира гуноҳда бардавом бўлиш.

Гуноҳкорларнинг шафоат қилиниши

Бир кишининг иши битмай турганда учинчи томон ўртага тушиб, уни ҳал қилиб беришига шафоат дейилади. Бу ҳақда ояти каримада шундай дейилган:

مَنْ يَشْفَعُ شَفَاعَةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِنْهَا

“Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур”. (Нисо, 85)

Шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, шариат рухсат берган ўринлардагина ўртага тушиб, шафоат қилинади. Бошқа бир ояти каримада ноўрин шафоатчи бўлиш оқибати ҳақида шундай баён қилинган:

وَمَنْ يَشْفَعُ شَفَاعَةً سَيِّئَةً يَكُنْ لَهُ كِفْلٌ مِنْهَا

“Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур”. (Нисо, 85)

Охиратда, яъни қиёмат куни ҳам шафоат бўлади. Лекин у кунда ҳар ким ўзи хоҳлаган кишисини шафоат қила олмайди. Балки, кимларга қайси шахсларни шафоат қилишга рухсат берилган бўлса, ўшаларни шафоат қила олишади. Бу ҳақда оятда шундай дейилган:

مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ

“Унинг ҳузурда ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас”. (Бақара, 255)

Қиёмат куни биринчи бўлиб, Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га шафоат қилишга рухсат берилади. У зотнинг шафоатлари “шафоати кубро”, деб аталади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “*Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Қиёмат куни мен одам фарзандининг саййиди бўламан ва у кунда қабрни илк ёриб чиқувчиси, илк шафоат қилувчиси ва илк шафоат қилингани бўламан”, дедилар*”. (Имом Муслим ривояти)

Қиёматда пайғамбарлар, олимлар, шахидлар, авлиёлар, ҳофизии Қуръонлар, солиҳлар, фаришталар, Қуръон ва рўзага ҳам шафоат қилишга рухсат берилади.

Абу Саъид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “*Аллоҳ таоло: “Фаришталар шафоат қилиб бўлишди, пайғамбарлар ҳам ва мўминлар ҳам. Энди, фақат*

Архамур роҳимин бўлган зот қолди”, дейди” (Имом Муслим ривояти).

Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: **Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким Қуръони каримни ўқиб, сўнгра уни ёдлаб, ҳалолани ҳалол, ҳаромини ҳаром деб билса, Аллоҳ таоло уни жаннатга киритади ва унинг хонадонидан дўзахга тушиши вожиб бўлган ўн киши ҳақида унинг шафоатини қабул қилади”, дедилар”.** (Имом Аҳмад ривояти)

Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Рўза ҳам, Қуръон ҳам бандага шафоатчи бўлишади. Рўза: “Эй, Раббим! Мен уни кундузи таомланиш ва шаҳвоний ҳисдан тўсдим, унга мени шафоатчи қилгин”, дейди. Қуръон эса: “Уни кечаси ухлашдан тўсдим”, дейди. Бас, иккиси ҳам шафоат қилади”, дедилар”.** (Мустадраки Ҳоким)

Шафоат фақат мўмин-мусулмонларга тегишли бўлади. Чунки, аҳли имон мағфират қилинишга лойиқдир. Кофир, мушрик ва имонсиз кетганлар шафоатга нолойиқдирлар.

Қадимда шафоат масаласида турлича қарашлар илгари сурилган. Улардан баъзилари уни таг-томири билан инкор қилишган бўлса, баъзилари шафоатни мавжуд дейишган.

Аҳли сунна имомлари шафоатни ҳақ деб, Аллоҳ таолонинг **“Унинг ҳузурда ҳечким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас”** (Бақара, 255), деган оятини далил қилиб келтиришади.

Пайғамбарларга, фаришталарга, авлиёларга шафоат қилишга изн берилиши Аллоҳ

таолонинг раҳмати ва фазлига киради. Шунингдек, бунга Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг **“Менинг шафоатим умматимдан гуноҳи кабира қилганларгадир”**, деган ҳадислари ҳам далил бўлади (Абу Довуд ривояти).

Баъзилар аҳли сунна уламоларига раддия сифатида **“Золим (кофир) кимсалар учун (у Кунда) на бир дўст ва на маъқулланадиган шафоатчи бўлур”** (Ғофир, 18) оятини далил қилиб келтиришади. Унга жавобан айтиладики, оятдаги **“золим”** сўзидан бу ерда **“кофир, мушрик”** ирода қилинган. Зеро, Аллоҳ таоло ширкнинг катта зулм эканини қуйидаги оятда таъкидлаган:

وَإِذْ قَالَ لِقَمَانُ لِابْنِهِ وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ
لَظُلْمٌ عَظِيمٌ

“Эсланг, Лукмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: “Эй, ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк улкан зулмдир”. (Лукмон, 13)

Яна эътироз сифатида Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қуйидаги ҳадисини: **“Шафоатим умматимдан гуноҳи кабира қилганларга тегишли эмас”** далил қилиб келтиришса, унга жавобан бу ҳадиснинг маъноси: **“Гуноҳи кабирани ҳалол деб қилган кишига шафоатим тегишли эмас, дегани”**, деб жавоб берамиз. Аслида бу ривоят сунан китобларининг бирортасида келмаган бўлса

ҳам, унга олимлар юқоридаги тарзда жавоб беришган. Хуллас, аҳли сунна вал жамоанинг далиллари ҳар томонлама кучли, буни юқорида ўтган оят ва ҳадислардан кўришингиз мумкин.

Манбаларда шафоатнинг қисмларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Улар қуйидагилар:

1. Катта шафоат – Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) томонидан маҳшар майдонида енгиллик пайдо қилиш ва ҳисоб-китобни бошлаш учун қилинган илк шафоат.

2. Ҳисоб-китобни енгиллаштириш учун қилинадиган шафоат. Унда шафоат қилинган кишининг ҳисоб-китоби осон тарзда бўлиб ўтади.

3. Мўмин-мусулмонларнинг жаннатдаги даражалари баланд бўлиши учун қилинадиган шафоат.

4. Азобланишга ҳукм қилинган мўмин-мусулмонларнинг гуноҳларини авф этиб, жаҳаннамга киритмаслик учун қилинадиган шафоат.

5. Жаҳаннамга кирган гуноҳкор мўмин-мусулмонларни у ердан чиқариш учун қилинадиган шафоат.

6. Яхши ва ёмон амаллари тенг бўлиб қолган мўмин-мусулмонларни, яъни Аъроф асҳобларини аросат майдонидан чиқариш учун қилинадиган шафоат.

7. Ҳисоб-китобсиз жаннатга кириш учун қилинадиган шафоат. Бу шафоатга биноан юз минглаб мусулмонлар ҳисоб-китобсиз жаннатга кириб кетишади.

8. Азобини енгиллаштириш учун қилинадиган шафоат.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I боб. ИМОН НИМА?

Имоннинг луғавий ва истилоҳий маънолари	5
Имоннинг рукни ва шартлари.....	11
Амаллар имоннинг таркибий қисмига кирадими?	18
Таҳқиқий ва тақлидий имон.....	21
Имон ва ислом ўртасидаги фарқ.....	24
Амалларнинг қабул бўлиш шартлари	27

II боб. ИМОН КАЛИМАЛАРИ

Олти диний калима	29
“Мужмал” ва “муфассал” имон	32

III боб. КУФР

Куфрнинг луғавий ва истилоҳий маънолари ва қисмлари	53
Куфрда айблашдан эҳтиёт бўлиш	54

IV боб. ШИРК

Ширкнинг луғавий ва истилоҳий маънолари.....	61
--	----

V боб. ГУНОҲ

Гуноҳнинг қисмлари.....	75
Гуноҳи кабиралар ва уларнинг мағфират қилиниши.....	78

**А.Аллокулов
Ж.Нажмиддинов**

**ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:
ИМОН**

**Тошкент ислом университети
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2017**

Ношир: Саидафзал Саиджалолов
Муҳаррирлар: Сарвар Очилов,
Одина Эргашева
Мусахҳиҳ: Тўлкин Норматов
Бадиий муҳаррир: Файзулло Собиров
Саҳифаловчилар: Лутфулло Абдуллаев,
Шахло Ҳикматова
Матн терувчи: Зулфия Алимова

**Нашриётнинг гувоҳнома рақами
АИ № 224. 2012 й. 16 ноябрь.
Босмахонага 04.10.2017 йилда берилди.
Бичими 70x90 ¹/₃₂ Шартли б.т. 5,1. Нашр т. 5,3.
Адади 3000 нусха. Буюртма № 57.
Баҳоси шартнома асосида.**

**Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**